БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 46 (18.822). • Чоршанба, 22 февраль 1984 йил • Баҳоси 3 тийин.

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

1984 йил 4 март СССР олий советига САЙЛОВ

ХАЛҚ БИЛАН ПАРТИЯ ЯКДИЛ

Ўзбекистонда сайловчиларнинг СССР Олий Совети депутатлигига номзодлар билан учрашувлари юксак сиёсий активлик ва меҳнат ғайрати жўш урган вазиятда давом этмоқда. Мамлакат давлат ҳокимияти олий органига ўтказиладиган сайловга тайёргарлик туфайли вужудга келган умумхалқ ғайрат-шижоати шу учрашувларда ўзининг ёрқин ифодасини топмоқда. Учрашувларнинг иштирокчилари КПСС Марказий Комитети 1984 йил февраль Пленумининг якунларини яқдиллик билан маъқуллаганликларини изҳор қилмоқдалар, коммунистик қурилиш ишига содиқ эканликларини 4 март куни коммунистлар билан партиясизлар бузилмас блокининг номзодлари учун овоз беришга тайёр эканликларини яна таъкидламоқдалар.

КОММУНИСТИК БУНЁДКОРЛИК ЙЎЛИДАН

Совет халқи улуғ Ленин асос солган ва тарбиялаб вояга етказган шонли Коммунистик партия раҳнамолигида буюк бунёдкорлик ишларини амалга оширмоқда. Ўн биринчи беш йилликнинг улуғвор вазифаларини собитқадам ва комил ишонч билан ҳал этмоқда. КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил ноябрь, 1983 йил июнь ва декабрь Пленумлари партия билан халқнинг ҳаётида ғоят муҳим босқичлар бўлиб қолди. Ушбу Пленумларда партия XXVI съездининг сиёсий йўли янада ижодий ривожлантирилиб, конкретлаштириб берилди.

Коммунистик партия совет кишиларининг қаҳрамонона меҳнати тинч шароитларини таъминлаш, халқаро майдонда социализм позицияларини мустаҳкамлаш йўлида ленинча донолик билан фаолият кўрсатмоқда. Зотан, партиямиз халққа фидокорона хизмат қилишни, меҳнат аҳлининг туб манфаатларини ифодалаб, уларни марксча-ленинча ҳаракат программаси билан қуроллантиришни ўз фаолиятининг асосий мазмуни деб билади. Партия танлаб олинган бирдан бир тўғри йўлдан — коммунистик бунёдкорлик ва тинчлик йўлидан қатъият билан бораётгани туфайли бутун халқнинг юксак ишончини, қўқур ҳурматини қозонди.

Партия шуни ҳам яхши тушунадики, бу йўлдан бориш истагининг ўзи билангина иш битмайди. Тўғри мақсадларни ўртага қўйиш билан бирга дуч келиниши мумкин бўлган ҳар қандай қийинчиликларни мардонавор бартараф этиш, бу олижаноб мақсадларга сабот билан эришиш ҳам зарур. Худди шундай ёндашиш туфайли мамлакатимиз халқ хўжалигининг ривожи қудратли равишда жадаллаштириб юборилди. КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюросига партия ва Совет давлатининг атоқли арбоби, социалистик Ватаннинг оташин ватанпарвари, тинчлик ва коммунизм учун толмас курашчи Юрий Владимирович Андропов бир йилдан сал кўпроқ вақт бошчилик қилганига қарамай, ғоят кўп иш қилинди, иқтисодий ва социал тараққиётнинг барча йўналишларида мамлакатимиз дадил олга силжиди. Экономикани жадал ривожлантиришга, халқ хўжалигини бошқаришни такомиллаштиришга, уюшқоқлик ва интизомни мустаҳкамлашга зўр куч-ғайрат сарфланди.

Бутун халқимиз, партиямиз бошига тушган оғир жудолик кунларида жамиятимиз барча аъзоларининг — барча миллатлар ва элатларга мансуб улуғ совет халқининг партия тевараги ва метиндек жипслиги яққол намоён бўлди. Улар КПСС XXVI съезди ва Марказий Комитетининг шундан кейинги Пленумлари белгилаб берган бунёдкорлик ишларини давом эттириш ва коллектив куч-ғайратлар билан бу ишларни илгари силжитиш партия сиёсатидаги давомийликни таъминлашнинг энг яхши усули эканлигини амалда исботламоқдалар.

Бутун партия, халқ КПСС Марказий Комитетининг шу йил 13 февралда бўлиб ўтган навбатдан ташқари Пленуми партия ва давлатимизнинг атоқли арбоблари Леонид Ильич Брежнев ва Юрий Владимирович Андропов каби Ленин типидаги раҳбарларнинг содиқ сафдоши ўртоқ Константин Устинович Черненкони яқдиллик билан КПСС Марказий Комитети Бош секретари этиб сайлаганлиги тўғрисидаги ҳабарни тўла-тўкис маъқуллаб кутиб олдилар. Пленум қарорларини бутун халқимиз, чет эллардаги дўстларимиз Ленин партияси сиёсатидаги давомийликнинг далили деб қабул қилди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ К. У. Черненко бу ҳақда тўхталиб айтдики, давомийлик — мавҳум тушунча эмас, балки жонли, реал ишдир. Бинобарин, унинг моҳияти аввало тўхтамай, олға боришдан иборат. Борганда ҳам, илгари эришилган ҳамма натижаларга таяниб, уни ижодий бойитиб, коммунистларнинг, ишчилар синфининг, бутун халқнинг коллектив фикрини, куч-ғайратини ҳал этилмаган масалаларга, ҳозирги ва келгусидаги энг муҳим проблемаларга қаратишдан иборат. Табиийки, бу нарса ҳаммамизнинг зиммамизга ғоят юксак масъулият юклайди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ўтган куни бўлиб ўтган XIV пленумида ҳам бу нарса алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Пленум «КПСС Марказий Комитети 1984 йил февраль Пленумининг якунлари ва республика партия ташкилотининг КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ К. У. Черненко нутқида баён этилган қонда ва хулосалардан келиб чиқадиган вазифалари» тўғрисида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ И. Б. Усмонхўжаевнинг докладини тинглаб ва муҳокама этиб, ўртоқ К. У. Черненко нутқида баён этилган қонда ва хулосаларни раҳбарлик ва ижро этиш учун қабул қилди. Область, шаҳар, район партия комитетлари, совет, хўжалик органлари, жамоат ташкилотларининг диққат-эътибори КПСС Марказий Комитетининг ўтган йил декабрь ва 1984 йил февраль Пленумларининг принципиал йўл-йўриқларини изчиллик билан рўёбга чиқаришга жалб этилди. Бунинг учун партиявий раҳбарлик услубини сабот билан яхшилашимиз, давлат аппарати ишини тобора такомиллаштиришимиз зарур. Сиёсий раҳбарлик органи сифатида партия комитетларининг роли ва аҳамиятини кучайтириш, партия органлари функциялари билан давлат ва хўжалик органларининг вазифалари аниқ чегаралаб қўйилиши, уларнинг ишида такрорлашга йўл қўйилмаслигига эришиш ғоят муҳимдир. Партия интизомини, давлат, меҳнат интизомини ошириш, социалистик қонунчилик ва тартибни мустаҳкамлашга изчиллик билан эришиш лозим.

Республикамиз саноати, қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари беш йилликнинг дастлабки уч йилида қўлга киритган муваффақиятлар ўн биринчи беш йиллик план ва мажбуриятлари муваффақиятли бажарилишидан далолат бериб турибди. Шу билан бирга ўнлаб корхоналар маҳсулот реализация қилиш планларини бажармаганлиги, меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот таннархини камайтириш юзасидан ўз зиммаларига олган мажбуриятларини уддалай олмаганлиги оқибатида халқ хўжалигига кўпгина маҳсулотлар етказиб берилмай қолди. Гарчи қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, Озиқ-овқат программасини бажариш соҳасида кейинги уч йилда сезиларли силжишга эришилган бўлса-да, халқнинг ўсиб бораётган талабларини қондириш учун бу суръатлар етарли эмас. Хўжаликларда колхоз Уставини, совхозларда эса давлат интизомини бузиш ҳолларига барҳам берилмаган.

Шу кунларда республикада кўкламги экишга тайёргарлик ишлари қизғин бошланиб кетди. Мўл ҳосилга мустаҳкам замин айни шу кампаниянинг муваффақиятли ўтказилишига боғлиқ. Партия, совет, хўжалик органлари уни уюшқоқлик билан ўтказиш, пахта, дон ва деҳқончиликнинг бошқа маҳсулотларини етиштириш ҳамда тайёрлаш планларининг бажарилишини таъминлаш учун ўз ихтиёрларидаги ҳамма куч ва воситалардан фойдаланишлари зарур.

Чорвачиликни ривожлантиришнинг муҳим проблемалари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг тўққизинчи пленумида аниқ-равшан кўрсатилиб, уни ҳал этиш йўл-йўриқлари белгилаб берилган эди. Областлар, районлар, хўжаликлар пленум қарорлари асосида ўзларининг реал имкониятларини кўзда тутиб, шу беш йилликда чорвачилик маҳсулотларини кўпайтиришнинг аниқ режаларини тузиб олганлар. Халқимиз ваъдага вафо — мардининг иши, дейди. Демак, чорвадорларимиз бу йилги қишнинг аёзли изғиринлари келтириб чиқарган қийинчиликларни матонат билан енгиб, чорва молларини озуқа билан тўла таъминлашлари, маҳсулот етиштиришни кўпайтиришлари зарур.

Ер — бизнинг энг катта бойлигимиз. Ундан моҳирона фойдаланиш — жонажон ишимиз. Партия комитетлари ва агросаноат комплексларининг ходимлари ҳар гектар ердан унумли фойдаланиш учун одамларнинг масъуллик ҳиссини оширишлари даркор. Ҳолбуки, ердан ишнинг кўзини билиб фойдаланмаётган, экинларнинг тўғри жойлаштирилишини таъминлай олмаётган, унумдор ерларнинг талон-торож қилинишига йўл қўяётган ношуд раҳбар ходимлар ҳам йўқ эмас. Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тадбирларини кўрмаётган мутасадди ташкилотларнинг раҳбарлари ва ходимларига нисбатан қаттиқ партиявий талабчанлик кўрсатиш пайти келди. «Главсредазирсовхозстрой» ва унинг жойлардаги бўлинмалари ерларни мелиорациялашга ажратилган капитал маблағлар самарадорлигини оширишга юзасидан амалий тадбирлар кўришлари зарур.

План ва мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш учун идеология ишининг ҳамма воситаларидан фойдаланиш, партиявий иш услуби ва методларини такомиллаштириш лозим. Ишлаб чиқаришни интенсив ривожлантириш, фан ва техника ютуқларини қатъият билан жорий этиш, ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишни яхшилаш, танг жойларни ва ёндош тармоқлар ҳамда корхоналарни ривожлантиришда мавжуд номутаносибликларни бартараф этиш шу кунининг энг муҳим вазифасидир.

Меҳнат коллективларининг ижодий ташаббусини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил декабрь Пленумида қизғин маъқулланган ватанпарварлик ҳаракати — меҳнат унумдорлигини пландан ташқари бир процент ошириш ва маҳсулот таннархини ярим процент камайтиришга эришиш ташаббусини кўтариб чиққан илғор коллективлар ҳаракати ҳамма жойда авж олишига эришиш даркор.

Область, шаҳар, район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари меҳнаткашларда социалистик онгликни шакллантириш, уларнинг ғоявий-ахлоқий камолоти тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилишлари керак. Шунга эришиш керакки, токи идеологик, оммавий-сиёсий ишларимиз ривожланган социализмни такомиллаштиришнинг ҳозирги босқичи характерига тўла даражада мос келсин, иқтисодий ва социал вазифаларимизни амалий жиҳатдан ҳал этишга энг кўп даражада кўмаклашсин. Бунга эса омма билан алоқани мустаҳкамлаш, барча кишиларнинг гражданлик активлигини ошириш туфайлигина эришиш мумкин.

«Янги дунё қуриш, деб таъкидлади ўртоқ К. У. Черненко КПСС Марказий Комитетининг шу йил февраль Пленумида сўзлаган нутқида, янги дунё кишисини камол топтириш ҳақида, уни ғоявий-ахлоқий жиҳатдан ўстириш тўғрисида тинимсиз ғамхўрлик қилиш демакдир». Партия комитетлари ана шу кўрсатмага амал қилиб, ўз фаолиятларида коммунистик жамиятнинг актив қурувчисини вояга етказиш ишига алоҳида эътибор беришлари керак.

Мамлакатимизда чинакам партиявий, ишчанлик муҳити, ижодий муҳит мавжуд. Бу муҳит барча муваффақиятларимизнинг зарур шарти, партиямиз обрў-эътибори ўсишининг, коммунистик бунёдкорлик соҳасида олдимизда турган улуғвор ва мураккаб вазифаларни муваффақиятли ҳал этишнинг ишончли гаровидир.

ХАЛҚ НОМЗОДЛАРИ

КАСБГА МЕҲР

Сайловчиларнинг СССР Олий Совети депутатлигига номзод Марямхон Рустамова билан учрашуви кўтаринки руҳда ўтди. У ўз касби, меҳрибон устозлари, корхона муваффақиятлари ҳақида фахр билан гапириб берди.

Марғилондаги «Атлас» ишлаб чиқариш бирлашмасининг кўп кишилик коллективи Марямхон Рустамовани ташаббускор ишчи, янгиликлар ижодкори сифатида яхши билишади. Мактабни тугатгандан сўнг, тўқувчилик касбини эгаллаш учун республикамизнинг кўзга кўринган саноат ўчоғига йўл олди. Касбга меҳр қўйди, устозлари тажрибасини қунт билан ўрганди. Йилдан йилга маҳоратини ошира борди. Мана етти йилдирки, шу корхонада меҳнат қилади. Комсомол-ёшлар бригадаси бошлиғи.

М. Рустамова хизмат зонасини кенгайтириб, қувонарли натижаларни қўлга киритяпти. Уч станок ўрнига тўрт станокни моҳирлик билан бошқармоқда. Бу эса смена топшириқларини 108 процентга етказиб бажариш имконини бермоқда. Меҳнат унумдорлигини ҳам ошириш унинг асосий шиоридир. Бу соҳадаги кўрсаткични саккиз процентга кўпайтириш ниятида. Пешқадам ишчи беш йиллкнинг уч йили топшириғини муддатидан илгари муваффақиятли бажарди. Айни кунларда 1984 йилнинг биринчи квартал топшириғини тугаллаш арафасида турибди.

Жамоат ишларида фаол қатнашиш, ёшлар билан ўз иш тажрибасини баҳам кўриш М. Рустамовага хос фазилатлардан. «Ишчи дақиқаларига — комсомол назорати» ташаббуси билан майдонга чиқди. Корхонада унинг издошлари жуда кўп.

611-Марғилон сайлов округидан СССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олинган М. Рустамова эл ишончини оқлаш учун ҳар қачонгидан ҳам зўр ғайрат, фидокорлик билан ишламоқда.

Суратда: СССР Олий Совети депутатлигига номзод М. Рустамова.

Ш. Алимов фотоси (ЎзТАГ).

Сайловчилар Термиз сайлов округида СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзод—Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг қўмондони, армия генерали Юрий Павлович Максимов билан учрашдилар.

СССР Олий Совети Иттифоқ Советига сайлов ўтказувчи Марғилон сайлов округининг сайловчилари депутатликка номзод—Марғилондаги «Атлас» ишлаб чиқариш бирлашмасининг тўқувчиси Марямхон Раҳуббековна Рустамова билан учрашдилар.

СССР Олий Совети Миллатлар Советига сайлов ўтказувчи Ленинобод сайлов округи сайловчиларининг депутатликка номзод—Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг раиси Наима Маҳмудовна Маҳмудова билан учрашуви бўлиб ўтди.

Депутатликка номзодлар: Миллатлар Советига сайлов ўтказувчи Тошкент-Ленин сайлов округида — СССР химия саноати министри Владимир Владимирович Листов; Иттифоқ Советига сайлов ўтказувчи Урганч сайлов округида — Урганч пиллакашлик фабрикасининг қалавачиси Гулжон Рузметовна Раҳмонова; Иттифоқ Советига сайлов ўтказувчи Ленин сайлов округида — Андижон область партия комитетининг биринчи секретари Солижон Мамарасулов; Миллатлар Советига сайлов ўтказувчи Қарши сайлов округида — «Каршистрой» бошқармасига қарашли 1-ихтисослашган кўчма механизациялашган колонна электр монтажчилар бригадири Рўйиддин Рўзиев; Иттифоқ Советига сайлов ўтказувчи Самарқанд шаҳар сайлов округида — Самарқанд область партия комитетининг биринчи секретари Рашид Ашуралиев; Миллатлар Советига сайлов ўтказувчи Фарғона сайлов округида — «Фергананефтеоргсинтез» ишлаб чиқариш бирлашмасининг оператори Юрсунжон Назиров; Иттифоқ Советига сайлов ўтказувчи Хива сайлов округида — Хоразм область партия комитетининг биринчи секретари Мадёр Худойбергенов; Миллатлар Советига сайлов ўтказувчи Наманган сайлов округида — КПСС XXV съезди номли Наманган аврли газламалар шойи комбинатининг ишчиси Раъно Абдуазизовна Қаюмова сайловчилар билан учрашдилар.

Сайловчилар депутатликка номзодларга наказлар бердилар. (ЎзТАГ).

ЎРТОҚ К. У. ЧЕРНЕНКО КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ БОШ СЕКРЕТАРИ ҚИЛИБ САЙЛАНГАНЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТАБРИКНОМАЛАР

Ўртоқ К. У. Черненко КПСС Марказий Комитети Бош секретари этиб сайланганлиги муносабати билан унинг номига самимий қутловлар ёғилган кўпдан кўп телеграмма ва хатлар ҳамон келиб турибди. Қуйидагилар табрик телеграммаларини йўлладилар:

Германия Компартиясининг Раиси Г. Мис:

«Азиз ўртоқ Константин Устинович Черненко!

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари лавозимига сайланганлигингиз муносабати билан Сизга Германия Коммунистик партиясининг Правленияси, Германия Федератив Республикасининг барча коммунистлари номидан самимий қутловлар йўллайман.

КПСС, барча коммунистлар, бутун совет халқи олдида турган катта ва муҳим вазифаларни амалга оширишда Сизга энг яхши муваффақиятлар тилаймиз. Империализмнинг айби билан халқаро вазият анча кескинлашган ва ядро уруши хавфи сезиларли равишда кучайиб кетган ҳозирги пайтда бу айниқса муҳимдир.

Бутун дунёда тинчликни сақлаб қолишга, коммунистик қурилиш вазифаларини амалга оширишга қаратилган масъулиятли фаолиятингизда муваффақиятлар тилаймиз.

Биз, Германия Федератив Республикаси коммунистлари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг идеалларига ва Совет Иттифоқи коммунистлари билан дўстликка ҳамиша содиқ бўлиб қоламиз. Биз, халқларимиз ўртасидаги дўстликни, мамлакатларимиз ўртасида амалий ҳамкорликни ривожлантиришга бундан буён ҳам кўмаклашаверамиз».

Португалия Компартияси Бош секретари А. Кунъял:

«Муҳтарам ўртоқ К. Черненко!

Сиз Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари этиб сайланганлигингиз муносабати билан Португалия Коммунистик партияси номидан Сизга қизғин қутловларимизни йўллаймиз.

Коммунизм қурилишини давом эттиришда, СССРнинг иқтисодий қудратини доимо кучайтиришда, совет халқи фаровонлигини юксалтиришда, планетада тинчликни ҳимоя қилиб, изчил сиёсатни ўтказишда чин қалбдан катта муваффақиятлар тилаймиз.

Муҳтарам ўртоқ К. Черненко, партияларимиз ўртасидаги муносабатларга хос қардошларча дўстликка амин бўлиб, Сизга коммунистик саломимизни йўллаймиз».

Италия Компартияси Бош секретари Э. Берлингуэр:

«Сиз КПСС Марказий Комитети Бош секретари этиб сайланганлигингиз муносабати билан Италия коммунистлари номидан ва шахсан ўз номимдан Сизни муборакбод этиб, мана шу юксак лавозимда Сиз кескинликни юмшатиш, тинчлик, Совет Иттифоқи халқларининг фаровонлиги, социализмни ривожлантириш ишига зарур ҳисса қўша олишингизга тилак билдираман».

Греция Компартияси Марказий Комитети:

«Азиз ўртоқ,

Сиз КПСС Марказий Комитети Бош секретари лавозимига сайланганлигингиз муносабати билан Греция Коммунистик партияси Марказий Комитети номидан ҳамда мамлакатимиздаги барча илғор кишилар номидан Сизга энг қизғин қутловларини йўллайди.

Греция коммунистлари Сизни улуғ Ленин партиясининг раҳбари, ўзининг бутун кучини тинчлик, совет халқини равнақ топтириш, социализм ва социал тараққиёт ишига сарфлаб келган ва сарфлайдиган қатъий марксчи-ленинчи деб биладилар.

Биз аминмизки, ГКП билан КПСС ўртасида марксизм-ленинизм ва пролетар интернационализми принципларига асосланган чамбарчас қардошларча муносабатлар ҳар иккала халқ бахт-саодати, бизнинг районимизда ва бутун дунёда тараққиёт ҳамда тинчлик манфаатлари йўлида давом эттирилиб, бундан буён ҳам ривожланаверади.

Ўртоқ К. У. Черненко, янги юксак вазифаларингизни бажаришда сизга кўпдан кўп муваффақиятлар тилаймиз».

Финляндия Компартияси Марказий Комитети:

«Финляндия Коммунистик партияси Сизни КПСС Марказий Комитети Бош секретари лавозимига сайланганлигингиз муносабати билан табриклайди ва ишларингизда муваффақиятларга эришувингизни тилаб билдирган энг яхши истакларни изҳор этади.

КПСС Сизнинг раҳбарлигингизда ташаббускор тинчлик сиёсатини давом эттиришга ва тинч-тотув яшаш ленинча сиёсатини амалга ошириш намунаси сифатида Совет — Финляндия муносабатларини мустаҳкамлашга ёрдам беришига аминмиз.

Биз Сизнинг раҳбарлигингизда совет жамияти қурилишида, ижтимоий тараққиёт манфаатлари йўлидаги ишларда янгидан янги муваффақиятлар тилаймиз.

Финляндия коммунистлари партияларимиз ўртасидаги ҳамкорликни асраб, ривожлантираверадилар, бу ҳамкорлик катта интернационал вазифаларимизни амалга оширишда ва халқаро коммунистик ҳаракат сафларини мустаҳкамлашда куч-қудрат манбаидир».

Кипр меҳнаткаш халқи прогрессив партияси (АКЭЛ) Бош секретари Э. Папаиоанну:

«КПСС Марказий Комитети Бош секретари этиб сайланганлигингиз муносабати билан АКЭЛ Марказий Комитети номидан ва шахсан ўз номимдан ғоят самимий қутловларимни йўллайман ҳамда Сизга Совет Иттифоқи ва халқаро тинчлик манфаатлари йўлида сиҳат-саломатлик ва катта муваффақиятлар тилайман».

Ғарбий Берлин Бирлашган Социалистик партиясининг раиси Х. Шмитт:

«Азиз ўртоқ Черненко!

КПСС Марказий Комитети Бош секретари этиб сайланганлигингиз муносабати билан Сизга Ғарбий Берлин Бирлашган социалистик партияси номидан ғоят самимий қутловларимизни йўллаймиз. Ленин партияси раҳбари лавозимидаги масъулиятли фаолиятингизда, бутун дунёда тинчлик учун курашда ва СССРда ривожланган социалистик жамият қурилишида катта муваффақиятлар тилаймиз. Сизни ишонтириб айтамизки, Ғарбий Берлин Бирлашган социалистик партияси билан КПСС ўртасидаги дўстлик алоқалари бузилмасдир».

Швеция коммунистлари — Ишчи партияси Правлениесининг раиси Р. Хагель:

«Совет Иттифоқи коммунистлари Сизни КПСС Марказий Комитети Бош секретари этиб сайлаб катта ишонч билдиргенликлари муносабати билан Сизга Швеция коммунистлари номидан ғоят самимий қутловларни йўллайман.

Сизга сиҳат-саломатлик, муштарак ишимиз манфаатлари йўлидаги фаолиятингизда муваффақиятлар тилаймиз».

(Давоми иккинчи бетда).

ВАРШАВА ШАРТНОМАСИДА ҚАТНАШУВЧИ ДАВЛАТЛАР БИРЛАШГАН ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИДА

1984 йилнинг мартида Болгария Халқ Республикаси, Венгрия Халқ Республикаси, Руминия Социалистик Республикаси, Совет Иттифоқининг жануби-ғарбий районлари территорияларида ва Қора денгиз акваториясида иттифоқчи армиялар ҳамда флотларнинг «СОЮЗ-84» шартли номи остида планли қўшма команда-штаб машқи ўтказилади.

Машқ иттифоқчи армиялар ҳамда флотлар биргаликдаги жанговар ҳаракатларни олиб бориш чоғида уларнинг қўшинларини бошқариш ва олий штабларининг баҳамжиҳат ҳаракати масалаларини пишиқтириш мақсадида ўтказилади.

ПАРТИЯНИНГ СОДИҚ ФАРЗАНДИ

20 февраль куни Москвада, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги марксизм-ленинизм институтида Коммунистик партия билан Совет давлатининг таниқли арбоби А. Н. Косигин туғилган кунининг 80 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишда сўзга чиққан марксизм-ленинизм институтининг директори академик А. Е. Егоров, бошқа нотиқлар Ленин партиясининг содиқ фарзанди, хўжалик қурилишининг йирик ташкилотчиси ҳаёт йўли тўғрисида гапиридилар. А. Н. Косигин ўзининг партиявий ва давлат фаолиятидаги катта тажрибасини, ҳар томонлама билимини мамлакатимизда коммунистик бунёдкорлик ишига бағишлади, КПСС билан Совет давлатининг ташқи сиёсий йўлини амалга оширишга ўз ҳиссасини қўшди.

Коммунистик партия, деб уқтирилди нутқларда, ривожланган социализмни такомиллаштиришга қаратилган йўлни изчиллик билан ўтказиб келмоқда, тинчликсевар ташқи сиёсатни амалга оширмоқда. КПСС Марказий Комитетининг 1984 йил февраль Пленумида партия сиёсатининг изчиллиги яна бир бор яққол тасдиқланди.

Бутун партиямиз, бутун совет халқи Пленумнинг К. У. Черненкони КПСС Марказий Комитети Бош секретари этиб сайлаш тўғрисидаги қарорини қизғин маъқуллади ҳамда унинг нутқини жанговар ҳаракат программаси деб қабул қилди, деб таъкидлашди нотиқлар. Йиғилишда олимлар, партия ходимлари, пропагандистлар, КПСС ветеранлари иштирок этишди. (ТАСС).

ИЛМ-ФАН ЮТУҚЛАРИ — ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг йиллик йиғилиши

«Интенсивлаш, фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жадал жорий этиш, йирик комплекс программаларни амалга ошириш — мана шуларнинг ҳаммаси пировард натижада жамиятимизнинг ишлаб чиқарувчи кучларини сифат жиҳатдан янги поғонага кўтариши керак». Республика Фанлар академиясининг 21 февраль куни Тошкентда бўлиб ўтган умумий йиллик йиғилишида КПСС Марказий Комитети 1984 йил февраль Пленумининг шу талабини қандай бажариш йўллари тўғрисида гапирилди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти академик О. С. Содиқов 1983 йилги илмий-тадқиқот ишларининг якунлари ҳамда КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил декабрь ва 1984 йил февраль Пленумларининг қарорлари, ўртоқ К. У. Черненко нутқидаги қоидалар ва хулосалар асосида Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вазифалари тўғрисида доклад қилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев нутқ сўзлади. У республика олимлари ижобий ишлар қилганликларини айтди.

Илмий коллективлар партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қарорларини амалга ошира бориб, Бутуниттифоқ ва республика комплекс илмий-техника программаларини ишлаб чиқишда актив қатнашмоқда. Ҳар йили республиканинг илмий ташкилотлари 400 дан кўп илмий ечимни ишлаб чиқаришга тошширмоқда. Бу ечимларни жорий этишдан олинадиган йиллик иқтисодий самара 600 миллион сўмдан ошади. Халқ хўжалигида бир қанча юксак самарали технологик

(Давоми иккинчи бетда).

ЎРТОҚ К. У. ЧЕРНЕНКО КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ БОШ СЕКРЕТАРИ ҚИЛИБ САЙЛАНГАНЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН

ТАБРИКНОМАЛАР

(Бошы биринчи бетда).

Дания Компартиясининг Раиси И. Ен. сен:

«Азиз Константин Устинович Черненко!

КПСС Марказий Комитети Бош секретари лавозимига сайланганлигингиз муносабати билан Сизни Дания Коммунистик партияси номидан ва шахсан ўз номимдан самимий қутлайман.

Катта, қийин ва масъулиятли фаолиятингизда Сизга зўр муваффақиятлар ҳамда бахт-саодат тилаймиз.

Биз КПСС билан бутун совет халқи бундан буён ҳам тинчлик, қуролсизланиш ва социализм учун курашга бошчилик қилаверишларига аминмиз».

Сан-Марино Компартиясининг Раиси Ж. Гасперони:

«КПСС Марказий Комитети Бош секретари этиб сайланганлигингиз муносабати билан самимий қутловларни қабул қилгайсиз. Сизнинг раҳбарлигингизда Совет Иттифоқи коммунистлари билан халқлари коммунизм қурилишини, демократия ва озодликни ривожлантиришни давом эттиришларини, ялпи тинчлик манфаатлари йўлида яна халқаро кескинлик юмшатила бошланишини тилаймиз».

Ливан Компартияси Марказий Комитетининг Бош секретари Ж. Хауи:

«Азиз Ўртоқ Константин Устинович Черненко!

КПСС Марказий Комитети Бош секретари этиб сайланганлигингиз муносабати билан Сизни Ливан Компартияси Марказий Комитети номидан ва шахсан ўз номимдан астойдил табриклайман.

Сизнинг сайланишингиз Совет Иттифоқини, социалистик ҳамдўстлик мамлакатларини, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракати билан миллий-озодлик ҳаракатини ривожлантиришнинг ҳозирги муҳим босқичида, империализм, уруш ва агрессия кучларига қарши дунёда кураш кескинлашиб кетган ҳозирги пайтда совет коммунистлари, бутун совет халқининг Сизга бўлган зўр ишончидан далолат беради.

Сиз билан яқиндан таниш бўлган биз, Ливан коммунистлари, Исроил оккупациясига, Америка агрессиясига ҳамда Америка билан Исроил агентурасининг фитналарига қарши Ливан халқи, унинг илғор, ватанпарвар кучлари олиб бораётган курашни қўллаб-қувватлаётганлигингизни, Фаластин халқи ва бошқа араб халқларининг курашини қўллаб-қувватлаётганлигингизни яхши биламиз. Биз, Сизнинг КПСС Марказий Комитети раҳбари юксак лавозимига сайланишингиз муносабати билан мамнуниятимизни изҳор этамиз ҳамда шонли Ленин партияси билан, Улуғ Советлар мамлакати билан дўстлик ва хамкорлик алоқаларини бундан буён ҳам мустаҳкамлашга азму қарор берганлигимизни билдирамиз. Қатъий ишонч билдириб айтамизки, партияларимиз ўртасидаги муносабатлар юксак идеалларимиз йўлида биргаликда олиб борилаётган кураш манфаатларини кўзлаб доимо мустаҳкамланаверади».

Чили Компартияси Бош секретари Л. Корвалан:

«Муҳтарам ўртоқ Черненко!

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясида энг юксак лавозимга сайланганлигингиз муносабати билан Сизни Чили коммунистлари номидан қизғин қутлайман.

Мана шу ғоят масъулиятли лавозимдаги фаолиятингизда Сизга чин қалбдан кўпдан кўп муваффақиятлар тилаймиз.

Ҳеч шубҳа қилмаймизки, Ленин давридан буён барча синовлардан ўтган партия билан халқнинг бузилмас бирлиги Сизнинг раҳбарлигингизда яна ҳам кўпроқ мустаҳкамланади.

Совет Иттифоқи партия съездлари ҳамда унинг Марказий Комитети Пленумлари белгилаган, Юрий Владимирович Андропов жуда аниқ ифодалаб берган ички ва ташқи сиёсат йўлини амалга оширишда янги зафарларга эришишга ишончимиз комил.

Катта хавф солинаётган планетада тинчлик бўлиши учун Совет Иттифоқи сарфлаётган тинимсиз куч-ғайрат ниҳоятда муҳим аҳамиятга эгадир. Сиз партия раҳбари лавозимида инсониятнинг туб муддаоси бўлмиш тинчликни сақлаб қолиш муддаосини амалга ошириш учун имкони бўлган ҳамма ишни қилишингизга аминмиз».

Аргентина Компартиясининг Бош секретари А. Фава:

«Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети Бош секретари лавозимига сайланганлигингиз муносабати билан Сизга Аргентина Коммунистик партияси Марказий Комитети номидан қутловлар йўллаймиз.

Сиз шу масъулиятли лавозимга сайланганлигингиз Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ривожланган социализм қурилиши, миллий-озодлик ҳаракатлари билан, халқаро ишчилар синфи билан бирдамлик ленинча сиёсатини, ялпи тинчликни ҳимоя қилишдек ленинча қатъий сиёсатни амалга оширишга Сиз қўйган қимматли ҳиссани акс эттиради.

Биз марксизм-ленинизм принципларига содиқлик асосида халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатини жипслаштириш ишига Сиз қўйган ғоят катта ҳиссани ҳам қадрлаймиз».

Уругвай Компартияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари Р. Арисменди:

«Муҳтарам ўртоқ Черненко!

Шонли Ленин партияси Марказий Комитетининг Бош секретари этиб сайланганлигингиз муносабати билан Сизга Уругвай Коммунистик партияси Марказий Комитети номидан ва шахсан ўз номимдан қизғин қутловлар йўллайман.

Бутун дунёда тинчлик учун курашда Совет Иттифоқининг роли ғоят зўр даражада ошиб кетган, унга АҚШ империализмининг маккор агрессив сиёсати таҳдид этаётган ҳозирги пайтда, барча тинчликсевар кучларни янада жипслаштириш зарур бўлган пайтда Сизнинг масъулиятли фаолиятингизда жуда катта муваффақиятларга эришувингизни тилаймиз.

Ўртоқ Черненко, марксизм-ленинизм ва пролетар интернационализмининг мустаҳкам принциплари асосида ривожланган социализм жамиятини изчил тараққий эттиришни мақсад қилиб қўйган ишингизда Сизга энг яхши муваффақиятлар тилаймиз.

Уругвайда демократиянинг қайта тикланиши учун қаҳрамонона кураш олиб бораётган партиямиз билан халқимиз Сизга ўзларининг қардошларча дўстлик ҳис-туйғуларини изҳор этадилар».

Венесуэла Компартияси Бош секретари Х. Фариа:

«Венесуэла Коммунистик партияси Марказий Комитети Сизнинг фахрли сайланишингиз муносабати билан қизғин қутловлар йўллайди.

Азиз Ўртоқ Черненко, Ленин партиясининг олий раҳбарлик органи Сизга топширган юксак вазифаларни амалга оширишда катта муваффақиятлар тилаб билдирган истакларимизни қабул қилгайсиз.

Ишонч билдириб айтамизки, Сизнинг КПССга бошчилик қилиб бажарадиган фаолиятингиз ялпи тинчлик ишига, ядро уруши хавфини даф этиш, тинч-тотув яшашни гарантиялаш, совет халқи фаровонлигини тобора юксакроқ даражага кўтариш мақсадидаги куч-ғайратларни давом эттиришга қўшилган қимматли ҳисса бўлади. Ўз озодлиги учун курашиб келаётган барча халқлар билан, шу жумладан Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзаси халқлари билан Совет Иттифоқи ўтказиб келаётган бирдамлик сиёсати давом эттирилади ва биз аминмизки, Сиз бу сиёсатнинг ишончли таянчи бўласиз».

Перу Компартияси Марказий Комитети Бош секретари Хорхе дель Прадо, Халқаро алоқалар учун масъулиятли А. Кабальеро:

«Ўртоқ Константин Устинович Черненко КПСС Марказий Комитети Бош секретари лавозимига сайланганлиги муносабати билан уни Перу Компартияси Марказий Комитети номидан ҳамда шахсан ўз номимиздан қизғин табриклаймиз ва қутлаймиз, ривожланган социализм қурилиши ишида, бутун дунёда тинчлик манфаатлари йўлида унга катта муваффақиятлар тилаймиз».

Гаити коммунистлари Бирлашган партияси Марказий Комитетининг Бош секретари Р. Теодор:

«Азиз Ўртоқ Черненко!

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети Бош секретари лавозимига сайланганлигингиз муносабати билан Сизни Гаити коммунистлари номидан муборакбод этишга ижозат бергайсиз.

Совет коммунистлари билан совет кишиларининг барча халқлар тинчлиги, хавфсизлиги ва суверенитетини ҳимоя қилиш ишига содиқ эканликлари кенг маълум. Совет халқининг социал ривожланишдаги буюк ютуқлари ва Совет Иттифоқида коммунистик онгнинг ғоят зўр тараққий этганлиги ҳам маълумдир. Буларнинг ҳаммаси мамлакатингиз дунёда сазовор бўлган юксак обрў-эътиборнинг пойдеворидир.

КПСС Марказий Комитети Пленумида сўзлаган нутқингизда Сиз партиянгизнинг барча фаолият йўналишларидаги ленинча сиёсий йўлини жуда равшан қилиб таъкидладингиз. Сизнинг раҳбарлигингизда совет коммунистлари яна катта муваффақиятларга эришажакларига аминмиз.

Биз ҳам Гаити коммунистларининг қардошларча дўстлигига Сизни ишонтирамиз ҳамда СССРнинг ички ва ташқи сиёсати асосларини қўллаб-қувватлашимизни яна бир бор билдирамиз».

Гватемала Меҳнат партияси Марказий Комитети:

«Муҳтарам ўртоқ!

Гватемала Меҳнат партияси Марказий Комитети Совет Иттифоқи шонли ленинчи Коммунистик партияси Марказий Комитети Бош секретари лавозимига сайланганлигингиз муносабати билан Сизга самимий табриклайди.

Биз, Гватемала коммунистлари, Советлар мамлакатининг ғоят катта муваффақиятларига ва партиянгиз ўтказиб келаётган актив тинчлик сиёсатига алоҳида аҳамият бермоқдамиз. Инсоният тарихида Совет Иттифоқи Коммунистик партияси тинчлик учун, тинч-тотув яшаш ва миллий мустақиллик учун курашда асосий роль ўйнамоқда. Унинг кейинги съездлари қабул қилган қарорлар, совет раҳбарларининг обрў-эътибори ва қобилияти тинчлик ҳамда социализм иши учун кенг истиқболлар очиб беради.

Шу қадар юксак лавозимга сайланган пайтингизда шу табрикномани бизнинг самимий ва қардошларча ҳурматимиз ҳамда бирдамлигимизнинг ифодаси деб ҳисоблашингизни сўраймиз.

Гватемала революция ва социализм учун!»

Коста-Рика Халқ авангарди партияси Марказий Комитетининг Бош секретари У. В. Карбонель:

«Олдингизда турган вазифаларни ҳал этишда Коста-Рика Халқ авангарди партияси Марказий Комитети ва партиянинг барча коммунистлари номидан муваффақиятларга эришувингизни тилаймиз, бу эса халқларнинг тинчлик, демократия ва социализм йўлидаги курашига қўшилган катта ҳисса бўлади».

Шри Ланка Компартияси Марказий Комитети Бош секретари К. П. Сильва, партия Марказий Комитетининг Раиси П. Кейнеман:

«КПСС Марказий Комитети Бош секретари этиб сайланганлигингиз муносабати билан Шри Ланка Коммунистик партияси Марказий Комитетидан ва Коммунистик партиянинг барча аъзоларидан ғоят самимий қутловларни қабул қилгайсиз.

Биз Сизга ана шу юксак лавозимда муҳим ва масъулиятли вазифаларни бажариш ҳамда бутун дунёда тинчлик, миллий-озодлик ва социал тараққиёт учун курашда, СССРда ривожланган социализм жамиятини такомиллаштириш учун курашда улуғ Ленин партиясининг коллектив куч-ғайратларига раҳбарлик қилишда кўпдан кўп муваффақиятлар тилаймиз».

Туркия Компартияси Марказий Комитетининг Бош секретари Х. Кутлу:

«Азиз Ўртоқ К. У. Черненко, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети Бош секретари лавозимига сайланганлигингиз муносабати билан Сизга Туркия Коммунистик партияси Марказий Комитети, Туркия коммунистлари номидан ва шахсан ўз номимдан ғоят самимий қутловлар йўллайман.

Сиз Ленин комсомоли сафида, сўнгра эса КПСС сафида туриб СССРда социализм қурилишида бевосита иштирок этдингиз. Сиз марксизм-ленинизм, пролетар ва социалистик интернационализми идеалларини оммалаштириш, қарор топтириш ва амалга ошириш борасидаги муҳим фаолият билан шуғулландингиз. Турк коммунистлари Сизни тинчлик ва социализм иши учун изчил курашчи, оташин ватанпарвар ва интернационалист деб биладилар. КПСС XXVI съезди белгилаб берган ленинча сиёсат ўзанида тинчлик ва коммунизм йўлидаги курашда Сизнинг раҳбарлигингизда янгидан янги катта муваффақиятларга эришилажагига ишонамиз.

Туркия Коммунистик партияси КПСС билан қардошларча алоқаларини юксак қадрлайди, бу алоқалар марксизм-ленинизм ва пролетар интернационализми принциплари асосида ривожланиб, тобора мустаҳкамланмоқда. Бизнинг партиямиз Туркия билан СССР ўртасидаги муносабатларни тинч-тотув яшаш, дўстлик ва ҳамкорлик принциплари асосида ривожлантириш, совет халқи билан турк халқи ўртасидаги дўстлик ва қардошлик алоқаларини мустаҳкамлаш борасида зўр куч-ғайрат сарфлаб келди ва бундан буён ҳам сарфлайверади.

Азиз Ўртоқ К. У. Черненко!

Масъулиятли лавозимингизда Сизга муваффақиятлар, сиҳат-саломатлик ва омон-эсонлик тилаймиз».

Бангладеш Компартияси Марказий Комитети:

«КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари юксак лавозимига сайланганлигингиз муносабати билан ғоят қизғин ва самимий қутловларимизни қабул қилгайсиз. Дунёда уруш хавфини жиддий авж олдиришга сабаб бўлаётган империализмнинг хатарли ҳийла-найрангларига чек қўйиш ишида КПСС Сизнинг тажрибали ва моҳирона раҳбарлигингизда янада катта муваффақиятга эришишига қатъий аминмиз. Улуғ Ленин партиясининг раҳбари сифатида Сизнинг СССРда ривожланган социализм қуриш соҳасидаги, халқаро коммунистик ҳаракатнинг янгидан янги ғалабаларга эришиш йўлидаги, халқларнинг социал тараққиёт учун курашдаги барча куч-ғайратларингизда муваффақиятлар тилаймиз.

Сизга сиҳат-саломатлик ва узоқ умр тилаймиз».

Сальвадор Компартияси Марказий Комитетининг Бош секретари Ш. Хандаль:

«Азиз Ўртоқ Черненко!

Сизни КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари этиб сайланганлигингиз билан Сальвадор Коммунистик партияси Марказий Комитети номидан ва шахсан ўз номимдан табриклайман.

Биз, сальвадорлик коммунистлар, КПСС ўтказаётган тинч-тотув яшаш, бутун дунёда тинчликни ҳимоя қилиш, интернационал бирдамлик, социалистик ҳамдўстликни мустаҳкамлаш ҳамда совет халқининг моддий ва маданий турмуш даражасини изчил юксалтириш сиёсати Сизнинг раҳбарлигингизда янада ривож топишига аминмиз.

Америка империализми қўллаб-қувватлаётган қонхўр диктатурага қарши революцион кураш олиб бораётган партиямиз барча халқларнинг ҳаётий манфаатлари тинчликни сақлаб қолиш зарурати, социализмни мустаҳкамлаш ва халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш принципларини қарор топтириш билан чамбарчас боғлиқ бўлган инсоният учун масъулиятли бир даврда Сизга КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари юксак лавозимида улкан муваффақиятлар тилайди».

Гондурас Компартияси Марказий Комитетининг Бош секретари Р. Руш:

«Ҳурматли ўртоқ!

Гондурас Коммунистик партияси Марказий Комитети Сизни Совет Иттифоқи Коммунистик партияси раҳбарлигидаги энг масъулиятли лавозимга сайланганлигингиз билан табриклайди.

Мисли кўрилмаган қуролланиш пойгаси жаҳонни ядро фалокати ёқасига олиб келган бир пайтда, Рейган ҳукумати давлатлар ўртасида тинч-тотув яшашнинг белгиланган барча нормаларини оёқ ости қилаётган ҳамда яхшироқ ва янада муносиброқ ҳаётга интилаётган кўпгина халқлар ва давлатларга қарши дўқ-пўписа ва агрессия сиёсатини ўтказаётган инсоният тарихининг қалтис бир даврида Сиз КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари қилиб сайландингиз.

Марказий Америка мамлакатларининг халқлари яхшироқ ва янада муносиброқ ҳаёт учун курашмоқдалар. бироқ Америка империализми бизларга ўз тақдирини ўзи эркин белгилаш ҳуқуқига зид йўлни тиқиштиришга уринмоқда, мамлакатимизни ҳарбийлари билан оккупация қилиб туришни давом эттирмоқда ҳамда Никарагуа ва Сальвадорга ошкора интервенция қилиш билан хавф солмоқда.

Биз аминмизки, ўз тақдирини ўзи белгилаш учун курашаётган Марказий Америкадаги революцион ҳаракатлар, халқлар ва давлатлар Сизнинг тимсолингизда демократия, озодлик ва мустақиллик ҳуқуқининг ғайратли ҳимоячисини кўрадилар. Бизлар Сиз Совет Иттифоқининг бутун дунёда тинчликни сақлашга ва халқаро хавфсизликни таъминлашга қаратилган ташаббусларини бундан буён ҳам ривожлантиравершингизга ишонамиз.

Сизни юксак лавозимга сайланганлигингиз билан яна бир бор қизғин қутлашга, зиммангизга юкланган вазифаларни бажаришда каттадан катта муваффақиятлар тилашга ва қардошларча бирдамлик туйғуларини изҳор қилишга ижозат бергайсиз».

Австралия Социалистик партияси Марказий Комитети:

«КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари юксак лавозимига сайланганлигингиз муносабати билан қутловларимизни қабул қилгайсиз. Бизлар аминмизки, Совет Иттифоқи тинчлик, хавфсизлик ва социалистик қурилиш ишида тараққиёт сиёсатини давом эттиради. Бизлар буни қўллаб-қувватлашимизни ва бирдам эканлигимизни изҳор этамиз».

Исроил Компартияси Марказий Комитети:

«Азиз ўртоқ Константин Черненко!

КПСС Марказий Комитети Бош секретари этиб сайланганлигингиз муносабати билан қизғин қутловларимизни қабул қилгайсиз.

Шонли Ленин партиясининг раҳбари масъулиятли лавозимидаги фаолиятингизда Сизга кўпдан кўп муваффақиятлар тилаймиз. Сизнинг партия ишига содиқлигингиз ва ҳаётий тажрибангиз совет халқи фаровонлигини ошириш манфаатлари йўлида, коммунистик қурилишда, марксизм-ленинизм ва пролетар интернационализми принциплари асосида халқаро коммунистик ҳаракат бирлигини мустаҳкамлашда, олижаноб тинчлик, миллий мустақиллик, демократия ва социализм иши учун курашишда янада катта муваффақиятларга эришишга кўмаклашишига аминмиз».

Фаластин Компартияси Марказий Комитети:

«Фаластин Коммунистик партиясининг Марказий Комитети Совет Иттифоқи қардош Коммунистик партияси Марказий Комитети Бош секретари лавозимига сайланганлигингиз муносабати билан Сизга ўртоқларча қутлов ва самимий табриклар йўллашдан хушнуддир.

Азиз ўртоғимиз, Сизга ишда, янги юксак раҳбарлик лавозимида олдингизда турган улкан вазифаларни ҳал этишда, КПСС XXVI съезди қарорларини амалга оширишда, улуғ мамлакатингизда ривожланган социализмни такомиллаштириш йўлидан янада олга боришда, унинг иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлашда, бутун дунёда тинчликни ҳимоя қилишда, жаҳон империализмининг инсониятни ядро уруши гирдобига дучор этиш хавфидан уни халос этишда, халқларнинг озодлик курашини қўллаб-қувватлашда, империалистик доираларнинг агрессия ҳамлаларини даф этаётган мустақил давлатларга кўмаклашишда Сизга муваффақиятлар тилаймиз. Марксизм-ленинизм ва пролетар интернационализми принциплари асосида халқаро коммунистик ҳаракат бирлиги ва жипслигини мустаҳкамлаш ишида, ҳозирги замоннинг уч революцион кучи жипслигини мустаҳкамлашда Сиз улуғ Ленин партиясининг шонли анъаналарини давом эттиришингизга қатъий аминмиз.

Азиз ўртоқ, Сизга самимий қутловларимизни яна бир бор изҳор қиламиз, сиҳат-саломатлик, коммунизм буюк иши тантанаси йўлидаги самарали фаолиятингизда муваффақиятлар тилаймиз».

Гайана Халқ прогрессив партиясининг Бош секретари Ч. Жаган:

«Азиз ўртоқ Черненко!

Сизни Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари юксак лавозимига сайланганлигингиз муносабати билан Гайана Халқ прогрессив партияси Марказий Комитети номидан самимий қутлайман. Сиз ўзингизнинг бутун ҳаётингиз ва ишингиз билан тўла асосда бу шарафга батамом муносибсиз. Сиз марксизм-ленинизм принципларига, халқларнинг озодлик ишига, коммунизм қуриш ишига бўлган букилмас садоқатингиз, Сизнинг ўз Ватанингиз ва жаҳондаги барча халқлар фаровонлиги йўлидаги кўп йиллик тинимсиз фаолиятингиз туфайли совет кишиларинигина эмас, шу билан бирга барча мамлакатлардаги коммунистларнинг чуқур ҳурмат-эҳтиромига сазовор бўлдингиз.

Сиз мамлакатингизнинг ички ва ташқи сиёсати соҳасида ўртага қўйган мақсадларни бутун тараққийпарвар инсоният табриклаётганлигига Сизни ишонтиришни истардим. Сизнинг бой, ҳар томонлама тажрибангиз ҳозирги мураккаб ва кескин халқаро вазият шароитида ғоят катта аҳамиятга эга бўлишига ва партиянгиз олдида турган вазифаларни амалга оширишга муҳим ҳисса бўлиб қўшилишига шубҳа қилмайман.

Сизга тинчлик, озодлик ва социализмни мустаҳкамлаш манфаатлари йўлидаги фаолиятингизда улкан муваффақиятлар тилайман».

Эрон Халқ партияси (ТУДЕ) Марказий Комитети:

«Муҳтарам Константин Устинович!

Сизни КПСС Марказий Комитети Бош секретари этиб сайланганлигингиз билан чин қалбдан табриклаймиз.

Эрон коммунистлари ва меҳнаткашлари Сизни Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг ҳамда халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг таниқли арбоби сифатида юксак қадрлайдилар. Сиз ўзингизнинг турли соҳалардаги самарали фаолиятингиз билан марксизм-ленинизм ва пролетар интернационализми принципларига оғишмай амал қилиб, Улуғ Октябрь социалистик революцияси идеалларини амалга оширишга ҳамда бутун дунёда тинчлик ва социализм ишининг ғалаба қилишига катта ҳисса қўшдингиз.

Бизнинг партиямиз ҳозирги қийин шароитда улуғ Ленин партиясига интернационал мадад учун чексиз миннатдорчилик изҳор қилади.

Биз Сизни ишонтириб айтамизки, Америка агрессив империализмидан кейин мамлакатимиздаги баъзи реакцион доиралар Эрон халқининг дўсти ва бевосита қўшнисига нисбатан авж олдирган пропаганда кампанияси ватанимиз Эрон билан Совет Иттифоқи ўртасидаги алоқаларни яхшилашга ва ҳар томонлама кенгайтиришга интилаётган эронлик ватанпарварларнинг иродасини бука олмайди.

Ватанимиз халқи Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва Совет ҳукумати мамлакатимиз тарихидаги танг, ҳал қилувчи пайтларда ҳамиша Эрон халқига дўстлик қўлини чўзиб келганлигини ҳамда ватанимиз мустақиллигини сақлаб қолишда муҳим роль ўйнаганлигини яхши билади.

Бизлар Сизни ишонтириб айтамизки, Эрон Халқ партияси билан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ўртасида дўстлик ва қардошлик алоқаларини мустаҳкамлаш учун ҳамиша бўлгани каби бундан буён ҳам бутун куч-ғайратни сарфлаймиз ҳамда Эрон ва СССР халқлари ўртасида яхши қўшничиликни мустаҳкамлаш учун куч-қувватларимизни аямаймиз.

Биз қатъий аминмизки, қаҳрамон совет халқи шонли Ленин партияси раҳбарлигида коммунистик жамият қуришнинг барча соҳаларида, ядро уруши хавфини тугатишда, бутун дунёда тинчликни таъминлашда ва кескинликни юмшатишда ғоят катта муваффақиятларга эришаверади.

Бизлар Сизга чин қалбдан сиҳат-саломатлик ҳамда Совет Иттифоқининг гуллаб-яшнашини ва куч-қудратини мустаҳкамлашни таъминлаш соҳасидаги улуғ ишингизда муваффақиятлар тилаймиз. Бу эса совет халқи бахт-саодати ва ялпи тинчлик гаровидир».

Сурия Коммунистик партияси Марказий Комитети:

«Муҳтарам ўртоқ Константин Устинович Черненко!

Сурия Коммунистик партияси Марказий Комитети Сизга юксак ишонч билдирганлиги — Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари этиб сайланганлигингиз муносабати билан Суриядаги барча коммунистлар ва уларнинг дўстлари номидан Сизга ғоят самимий дўстона қутловлар йўллайди.

Бизлар Сизни таниқли коммунист раҳбар, улуғ Ленин партиясининг содиқ фарзанди, бутун дунёда тинчликни ҳимоя қилиш ва инсониятни урушлардан халос этиш, ривожланган социализмни янада такомиллаштириш ва совет халқи фаровонлигини тинмай ошириш, халқларнинг империализмга қарши, озодлик, миллий мустақиллик ва социал тараққиёт учун курашини қўллаб-қувватлаш, халқаро коммунистик ҳаракат бирлигини мустаҳкамлашдан иборат қатъий принципиал сиёсат давомчиси деб биламиз.

Америка империализмининг агрессив, авантюристик йўли натижасида вужудга келган мураккаб халқаро вазиятда мамлакатларимиз билан халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари империализм ҳамда сионизмнинг фитналарига ва агрессив хуружларига қаршилик кўрсатаётган Сурия нинг иродасини мустаҳкамлашга кўмаклашди. Фаластин халқининг ўз тақдирини ўзи белгилаши учун олиб бораётган адолатли курашини қўллаб-қувватлашга хизмат қилади, бутун араб миллий озодлик ҳаракатининг истиқболга ишончини мустаҳкамлайди. Партиямиз бундан буён ҳам ана шу муносабатларни янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш устида иш олиб боради.

Бизлар шунга тўла аминмизки, партияларимиз ўртасида пролетар интернационализми принципларига асосланган қардошларча ҳамкорлик бундан буён ҳам мустаҳкамланаверади.

Улуғ совет халқи КПСС ленинчи Марказий Комитети ва унинг Сиёсий бюроси раҳбарлигида янгидан янги зафарларга эришаверишига, планетамизда тинчлик ва озодлик манфаатлари йўлида Совет Иттифоқининг иқтисодий қудрати ва мудофаа қобилиятининг янада мустаҳкамланишига аминмиз.

Муҳтарам ўртоқ К. У. Черненко!

Қутловларимизни ва Сизга сиҳат-саломатлик ҳамда совет халқи ва бутун тараққийпарвар инсоният манфаатлари, бутун дунёда тинчлик манфаатлари йўлидаги фаолиятингизда муваффақиятлар тилаб билдирган самимий истакларимизни қабул этишингизни яна бир бор сўраймиз».

ИЛМ-ФАН ЮТУҚЛАРИ — ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

(Бошы биринчи бетда).

жараёнлардан, микропроцессорлар, робот техникасидан фойдаланиляпти. Янги хил машина-ускуналарни қўллаш кенгайиб бормоқда.

Қишлоқ хўжалигида илмий асосланган деҳқончилик системаси, ғўза, дон учун етиштириладиган мақкажўхори, бошқа экинлар индустриал технологияси кенг кўламда жорий этилмоқда, янги истиқболли навлар яратилмоқда.

Ижтимоий фанларни ривожлантиришда муайян натижаларга эришилди.

Республика олимлари анчагина ишларни амалга оширдилар. Лекин ҳаёт доимо янгидан янги вазифаларни ўртага қўймоқда, деб таъкидлади И. Б. Усмонхўжаев. Бу вазифалар кенг кўламли ва масъулиятлидир. Улар фан арбобларини йирик социал-иқтисодий ва хўжалик проблемаларини ҳал этишга йўллайди.

Ўзбекистон — Ватан пахтачилигининг асосий базасидир. Йиллик мажлисда айтиб ўтилганидек, олимлар, селекционичилар гектар бошига 50—60 центнердан ўрта ва толали пахта ва 40—50 центнердан ипак пахта бера оладиган навларни яратишга куч-ғайрат сарфлашлари зарур. Бу навлар индустриал парваришлар технологиясига яроқли, сифати юқори, касалликка ва зараркунандаларга, ҳаво ҳароратининг кескин ўзгаришларига бардошли бўлмоғи лозим. Деҳқонлар қўл меҳнатига тамомила барҳам бера оладиган янги конструкциядаги пахта териш машиналарини ҳам кутмоқдалар. Олимлар пахта ташиш, уни сақлаш ва қайта ишлашни, тупроқнинг мелиоратив ҳолатини ва унга ишлов беришни яхшилашга, ўғитдан фойдаланиш, заҳарли дорилар ишлатишга ва пахтачилик билан алоқадор бошқа проблемаларга ҳам куч-ғайрат сарфлашлари лозим.

Ёқилғи-энергетика комплексини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга қаратилган илмий ечимларнинг муҳимлиги айтиб ўтилди. Газ, нефть, кўмир қазиб чиқариш методларини такомиллаштириш билан бирга энергия, ёқилғини тежайдиган илғор технологияларни яратиш ва жорий этишни жадаллаштириш зарур. Хом ашёдан чиқитсиз фойдаланишни таъминлаш, ишлаб чиқариш чиқитларидан такрорий фойдаланиш, ҳисоб техникаси ва автоматлаштириш воситаларини кенг кўламда қўллаш кўп даражада олимларга боғлиқ, кераксиз такрорийликка, илмий коллективлар кучининг тарқалиб кетишига барҳам бермоқ учун илмий-тадқиқот ишларини мувофиқлаштиришни тубдан яхшилашни таъминлаш, илмий-коллективлар куч-ғайратини энг муҳим халқ хўжалик вазифаларини ҳал этишга сафарбар қилиш зарур. Бунинг учун ҳар бир коллективда партиявий принципиаллик руҳини, яхши маънавий иқлим, ишчанлик муҳитини вужудга келтирмоқ лозим.

Йиғилишда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти республика Фанлар академиясининг мухбир аъзоси П. Қ. Ҳабибуллаев, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиклари — Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ер тўғрисидаги фан бўлимининг академик секретари Ҳ. Н. Боймуҳамедов, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Қорақалпоғистон филиали президиумининг раиси С. К. Камолов, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси тарих, тилшунослик ва адабиётшунослик бўлимининг академик секретари М. К. Нурмуҳамедов, Беруний номидаги Тошкент политехника институтининг ректори К. С. Аҳмедов, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси — Ўзбекистон ССР Фанлар академияси механика ва бошқариш жараёнлари бўлимининг академик секретари Т. Р. Рашидов, Ҳамза номидаги Санъатшунослик институти секторининг мудири Г. А. Пугаченкова, Астрономия институтининг директори, физика-математика фанлари доктори Т. С. Иўлдошбоев, Ядро физикаси институти радиацион техника махсус конструкторлик бюросининг директори И. А. Каримов сўзга чиқдилар.

Йиғилиш қатнашчилари олимлар ўз олдиларига қўйилган вазифаларни шараф билан адо этадилар, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигини муносиб кутиб оладилар, деб ишонч билдирдилар.

Йиғилиш ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Ҳ. Абдуллаева, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари У. У. Умаров қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ФАНИНИНГ РОЛИ ОШИРИЛСИН

Ўрта Осиё республикалари қишлоқ меҳнатчиларининг аграрчи олимлар билан ҳамдўстлиги бултур беш юз миллион сўмдан кўпроқ иқтисодий наф берди. В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалиги фанлари академияси (ВАСХНИЛ) Ўрта Осиё бўлимининг 21 февраль куни Тошкентда бўлиб ўтган умумий йиллик йиғилишида шу рақам тилга олинди. ВАСХНИЛнинг вице-президенти, унинг Ўрта Осиё бўлими Президиумининг раиси, ВАСХНИЛ академиги С. Ҳ. Иўлдошев илмий-тадқиқот ишларининг асосий натижалари ҳамда қишлоқ хўжалик фанининг беш йиллик тўртинчи йилидаги вазифалари ҳақида гапирди.

Аграрчи олимлар партия XXVI съезднинг, КПСС Марказий Комитети Пленумларининг қарорларига амал қилиб бутун куч-ғайратни қишлоқ хўжалиги, сув хўжалиги ва ўрмон хўжалиги соҳасида илм ва фан олдида турган энг зарур проблемаларни жадал ҳал этишга сарфлаётганликлари йиғилишда ўқтириб ўтилди. Сўзга чиққан кишилар агросаноат комплексини ривожлантириш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини интенсивлаш, илм-фан ютуқларини практикага кенг жорий этиш вазифаларига катта эътибор бердилар. Бу йўлда ҳосилни етиштириш ва қайта ишлашни бир қўлга тўплаш имконини берадиган агросаноат бирлашмаларини барпо этиш соҳасидаги тадқиқотлар муҳим аҳамиятга эга эканлиги уқтириб ўтилди. Деҳқончиликнинг илмий асосланган зона системаларини ишлаб чиқиш, сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини комплекс механизациялашни таъминлайдиган серунум машиналар яратиш соҳасидаги ишларни кучайтириш зарурлиги таъкидланди.

Озиқ-овқат программасида илм ва фанга нисбатан алоҳида талаблар қўйилгани, дейишди йиғилиш қатнашчилари. Аграрчи олимларнинг бурчи — совет кишиларини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш ишига имкони борича кўпроқ ҳисса қўшишдан иборат. Донли экинлар ва бошқа экинлар ҳосилдорлигини кўпайтириш, чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни ошириш — муҳим вазифадир. Илмий ишларнинг самарадорлиги ва сифатини янада оширишга эришиш, илм-фаннинг ишлаб чиқариш билан алоқасини ҳар томонлама мустаҳкамлаш мақсади ўртага қўйилди.

Йиғилиш ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Е. А. Айтмуротов, КПСС Марказий Комитетининг масъул ходими Л. И. Бабенко, ВАСХНИЛ президиумининг аъзоси, ВАСХНИЛ академиги А. В. Пухальский қатнашдилар. (ЎзТАГ).

КИТОБЛАРНИ КЕНГ КЎЛАМДА ТАРҒИБ ҚИЛАЙЛИК

Бутуниттифоқ китобсеварлар жамияти Марказий правлениесининг 21 февраль куни Москвада бўлиб ўтган VI пленуми қатнашчилари КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил июнь ва декабрь Пленумлари қарорлари асосида аҳоли орасида адабиётни тарғиб қилиш соҳасида Украина ва Ўзбекистон китобсеварларининг фаолиятини муҳокама қилдилар.

Сўзга чиққан кишилар ўз с

ПАРТИЯ РЕЖАЛАРИ — ХАЛҚ РЕЖАЛАРИ

1984 йил 4 март СССР олий советига САЙЛОВ

Сайловчиларнинг В. И. ДОЛГИХ билан учрашуви

Красноярск меҳнат коллективларининг намояндалари — машинасозлар ва энергетиклар, химиклар ва қоғоз ишлаб чиқарувчилар, қурувчилар ва металлургчилар 21 февраль куни опера ва балет театрига тўпландилар. Бу ерда Ленин сайлов округи сайловчиларининг СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзод, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари Владимир Иванович Долгих билан учрашуви бўлди.

Йиғилишни Красноярск шаҳар партия комитетининг биринчи секретари В. П. Капелько очди.

Учрашув иштирокчилари КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюросини баланд руҳ билан фахрий президиумга сайладилар.

Депутатликка номзоднинг ишончли вакили — «Сибтяжмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитетининг секретари А. А. Савин В. И. Долгихнинг ҳаёт йўлини гапириб берди ва сайловчиларни 4 март сайлов куни коммунистлар билан партиясизлар бузилмас блокининг номзодлари учун овоз беришга чақирди.

Йиғилишда «Красмаш» заводининг директори В. К. Гупалов, щойи комбинатининг тўқувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони З. Ф. Сафонова, Рангли металлар институтининг студенти, М. Р. Скрипальщикова, «Сибэлектросталь» заводининг пўлат эритувчиси В. Г. Солодовников, 15-мактабнинг тарих ўқитувчиси, РСФСРда хизмат кўрсатган ўқитувчи Н. И. Танкович, Рангли металлар заводининг участка бошлиғи А. А. Филиппов, ўлка партия комитетининг биринчи секретари П. С. Федирко сўзга чиқдилар.

Нотиқлар КПСС Марказий Комитетининг навбатдан ташқари Пленуми қарорларини якдиллик билан маъқуллаганликларини айтдилар, жонажон Коммунистик партияга астойдил ишонганликларини, унинг ички ва ташқи сиёсатини тўла-тўкис қўллаб-қувватлашларини билдирдилар. Красноярск меҳнатчилари КПСС Марказий Комитети 1983 йил декабрь Пленуми қарорларини амалга ошириш учун сабот билан ишлайдилар, деб таъкидланди.

Сўнгра йиғилиш аҳли самимий қутиб олган В. И. Долгих нутқ сўзлади. У мамлакатда кенг қулоч ёзган сайловолди кампанияси ҳақида, бу кампаниянинг зўр ижтимоий-сиёсий аҳамияти тўғрисида, сайловга тайёргарлик қандай ички ва халқаро вазиятда ўтаётганлиги ҳақида гапирди.

Яқинда, деди нотиқ, партия, бутун совет халқи оғир жудоликка учрадилар. Атоқли сиёсий арбоб, тинчлик ва коммунизм учун матонатли курашчи Юрий Владимирович Андропов оламдан ўтди. Мамлакат коммунистлари, барча меҳнаткашлари унинг порлоқ хотираси қаршисида бош эгиб, ўз сафларини КПСС ленинчи Марказий Комитети таварагида янада маҳкамроқ жипслаштирмоқдалар.

Партиянинг бирлиги, унинг халқ билан чамбарчас боғлиқлиги ҳамиша куч-қувватимизнинг битмас-туганмас манбаи бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. КПСС Марказий Комитетининг навбатдан ташқари Пленуми партиянинг мустаҳкам жипслигини ишонарли тарзда тасдиқлади, Константин Устинович Черненконинг бир овоздан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари қилиб сайлади. Коммунистик партия, совет халқи К. У. Черненконинг атоқли партия ва давлат арбоби эканини биладилар. Партия ишониб топширган ҳамма лавозимларда унинг ташкилотчилик истеъдоди, чуқур билими ва тажрибаси, партиявий принципиаллиги, одамларга сезгир, эътиборли муносабати яққол намоён бўлиб келган. Ўртоқ К. У. Черненко Пленумдаги салмоқли нутқида коллектив раҳбарлик принципини изчиллик билан ўтказиш муҳимлигини, мамлакатнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини янада кучайтириш, тинчликни мустаҳкамлаш, ленинча ички ва ташқи сиёсатни амалга ошириш, халқ фаровонлигини юксалтириш соҳасида партия XXVI съезди ўртага қўйган вазифаларни ҳал этишда давомийликни таъминлаш муҳимлигини таъкидлади.

КПСС Марказий Комитети кадрларимизнинг иш савиясини ошириш, ҳозирги ва келгусидаги энг муҳим проблемаларни ҳал этишга ижодий ёндашиш, тузумимизнинг афзалликлари ва имкониятларидан самаралироқ фойдаланиш, меҳнаткашларнинг ташаббусини ҳар томонлама ривожлантириш вазифасини ўртага қўймоқда. Партия, бутун совет халқи бу йўлни тўла-тўкис маъқуллаб, қўллаб-қувватламоқда.

Бутун совет халқи билан бирга сибирлик-красноярсликлар КПСС Марказий Комитетининг навбатдан ташқари Пленуми қарорларини астойдил қўллаб-қувватлаб, бутун кучни шу қарорларни бажаришга сарфлашга, Ватанимизнинг қудратини фидокорона меҳнат билан мустаҳкамлашга аҳд қилганликларини билдирмоқдалар.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ К. У. Черненко сизларга ва барча красноярсликларга самимий салом ва бу ишда энг яхши тилаклар билдиришни илтимос қилди.

КПСС Марказий Комитети Пленумларининг иқтисоданинг энг муҳим проблемалари хусусидаги, халқ хўжалигига раҳбарликни такомиллаштириш, унинг ҳамма бўғинларида уюшқоқлик, масъулият ва интизом даражасини ошириш борасидаги қарорлари ҳамда кўрсатмалари ҳозирги беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажаришга куч ва резервларни сафарбар қилиш учун ҳаракат программаси бўлиб хизмат қилади, деди сўнгра депутатликка номзод.

Биз, империалист доираларнинг ва аввало АҚШ империализмининг айби билан кескин чигаллашган халқаро вазиятда шу вазифаларни ҳал этишимизга тўғри келади, бу эса ҳар бир совет кишисидан, ҳар бир меҳнат коллективидан ишда алоҳида сергайрат бўлишни, халқ хўжалик планларини муваффақиятли бажариш, Ватанимизнинг иқтисодий потенциалини кўпайтириш йўлидаги куч-ғайратларни оширишни талаб қилади.

В. И. Долгих ўзини СССР Олий Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатган Ленин сайлов округи корхоналари ҳамда ташкилотлари меҳнаткашларига миннатдорчилик билдириб, бу ишончни тўла-тўкис ва батамом шонли Коммунистик партиямизга, партия ленинчи Марказий Комитетига, совет кишиларининг туб манфаатларига мос бўлиб тушаётган унинг сиёсий йўлига кўрсатилган ишонч деб билажагини айтди.

КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқининг барча сайловчилари, гражданларига Мурожаатида партиянинг бўлажак сайловдаги сиёсий платформаси аниқ ва равшан баён этиб берилган.

СССР Олий Советига ўтказилган аввалги сайловдан беш йил ўтди. Бу йиллар совет халқи ижодий, бунёдкорлик меҳнати қилган, партия коммунистик қурилишнинг барча соҳаларида ғоят катта ташкилотчилик ва сиёсий ишларни амалга оширган йиллар бўлди, деб таъкидлади депутатликка номзод.

Халқ хўжалигини ривожлантиришда, совет халқи фаровонлигини оширишда олға томон катта қадам қўйилди. Миллий даромад 18,6 процент кўпайди. Халқ хўжалигининг пойдевори бўлмиш металлургия, машинасозлик, ёқилғи-энергетика, химия саноати янада ўсди. 1000 тадан кўпроқ давлат саноат корхоналари ишга туширилди. Қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун кўп иш қилинди.

В. И. Долгих Красноярск ўлкасини ҳамда мамлакатнинг энг йирик саноат марказларидан бири — Красноярск шаҳрини иқтисодий ва социал ривожлантиришда талайгина муваффақиятларга эришилганлигини қайд этиб ўтди. Шонли революцион ва меҳнат анъаналарига эга бўлган шаҳар ўсиб ривожланмоқда, унинг иқтисодий ва илмий-техника потенциали ошмоқда.

1983 йилги Бутуниттифоқ социалистик мусобақасининг якунларига кўра Красноярск шаҳри КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланди. В. И. Долгих шаҳар меҳнаткашларини юксак мукофот билан самимий табриклади ва уларга янги катта муваффақиятлар тилади.

Партия экономикани жадал ривожлантириш, иш самарадорлиги ва сифатини оширишнинг негизида белгиланган социал программани мутасил амалга ошириб келмоқда.

Ўтган йил иқтисодий ўсиш суръатлари жадаллашди. Саноат ишлаб чиқариши ҳажми 4 процент, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳажми 5 процент кўпайди. Депутатликка номзод экономика самарадорлиги соҳасидаги ижобий якунларнинг муҳимлигини таъкидлади: 1983 йилда саноат ишлаб чиқариши ўсишининг 88 процентига меҳнат унумдорлигини ўстириш йўли билан эришилди. Бу муваффақиятларни хўжалик фаолияти даражасини, меҳнат самарадорлиги ва сифатини ошириш вазифасини ҳал этиш йўлидаги биринчи қадамлар деб баҳолаш керак, деб таъкидлади В. И. Долгих.

Экономикадаги ижобий силжишларни мустаҳкамлаб, балки янада ривожлантириш, бундан ҳам салмоқлироқ натижаларга эришиш учун куч-ғайратларни кўпайтириш зарур. КПСС Марказий Комитети 1983 йил декабрь Пленумининг қарорлари, ўртоқ К. У. Черненконинг Марказий Комитет навбатдан ташқари Пленумида сўзлаган нутқи айни мана шунга йўналтиради.

Сўнгра нотиқ мамлакат иқтисодий потенциалини ошириш, аҳоли фаровонлигини ўстириш, мудофаа қудратини кучайтириш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган конкрет вазифалар тўғрисида гапирди. Аввало, бу ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш проблемасига тааллуқлидир. Партия олға сурган вазифани — меҳнат унумдорлигини пландан ташқари оширишга ва маҳсулот таннархини қўшимча равишда арзонлаштиришга эришиш вазифасини барча меҳнат коллективлари қўллаб-қувватлади.

Красноярск ўлкасининг меҳнаткашлари, деб давом қилди депутатликка номзод, саноатда меҳнат унумдорлигини белгиланган топшириқдан ташқари 1,2 процент ошириш ва маҳсулот таннархини қўшимча 0,6 процент арзонлаштириш, ишлаб турган корхоналарда ишлаб чиқаришнинг бутун ўсишини ишловчилар сонини кўпайтирмаган ҳолда таъминлаш юзасидан социалистик мажбурият қабул қилдилар.

КПСС Марказий Комитети 1983 йил июнь Пленумида К. У. Черненко қилган докладда экономикамиз, фанимиз, маданиятимизнинг ғоят катта имкониятларидан, табиий ресурсларимиздан мумкин қадар тўлиқроқ ва самаралироқ фойдаланиш учун зўр бериб курашиш зарурлиги таъкидлаб ўтилди. Фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга асосий эътиборни қаратиш керак. Бу — халқ хўжалигини ривожлантиришнинг бош йўлидир.

В. И. Долгих КПСС XXVI съезднинг йўл-йўриқларига биноан ишлаб чиқилган СССР Энергетика программасини амалга ошириш масалаларига тўхталиб ўтди. Бу программа халқ хўжалигини муттасил ривожлантиришни, уни интенсив ва энергия тежайдиган йўлга ўтказишни жадаллаштиришни таъминлаши лозим. Ғарбий Сибирда ва бошқа бир қанча районларда нефть ҳамда газ қазиб чиқаришни янада кўпайтириш, арзон кўмирдан фойдаланадиган қудратли иссиқлик электр станцияларини барпо этиш, атом энергетикасини жадал ривожлантириш, гидроэлектростанциялар буёнд этиш, ёқилғи-энергетика баланси структурасини такомиллаштириш — энергия билан пухта таъминлаш проблемасини ҳал этиш йўлидир.

Красноярск ўлкаси Энергетика программасини амалга оширишга муҳим ҳисса қўшиши керак. Шу беш йилликда Саян-Шушенск ва Майнская ГЭСларини барпо этиш асосан ниҳоясига етказилиши, Курия ва Богучанск ГЭСлари қурилишини жадаллаштириш, Канск-Ачинск ёқилғи-энергетика комплексида йилига 13 миллион тонна кўмир қазиб чиқариладиган қувватларни ишга туширишга зарур.

Депутатликка номзод асосий ишлаб чиқариш фондларидан самарали фойдаланиш зарурлиги тўғрисида гапирди, бу эса экономикани муваффақиятли ривожлантириш учун, пировард натижада халқ фаровонлигини ошириш учун ҳам, айниқса муҳимдир.

Красноярск ўлкасида «Ишлаб чиқариш фондларидан тўла самара билан фойдаланайлик» шиори остидаги ҳаракат кенг авж олиб кетди. «Красноярскуголь» бирлашмасида, алюминий заводида ва рангли металлар заводида, Канск ип-газлама комбинатида кўп иш қилинмоқда. Шу билан бирга фонд самарадорлигини ошириш резервлари ҳали батамом тугаган эмас. Қувватларни тўлиқ ўзлаштириш, лойиҳадаги кўрсаткичларга эришиш — бизнинг потенциал энг катта резервимиздир, деб уқтирди В. И. Долгих.

Нутқда таъкидлаб ўтилганидек, партия социалистик хўжалик юритиш методларини янада такомиллаштиришни энг муҳим иқтисодий ва сиёсий вазифа деб билмоқда. Бу вазифани муваффақиятли ҳал этиш учун план интизоми, технология ва меҳнат интизомини бутун чоралар билан мустаҳкамлаш зарур.

Экономикани интенсив ривожланиш йўлига ўтказиш қурилиш ишини такомиллаштириш, капитал маблағлар самарадорлигини ошириш билан чамбарчас боғлиқдир деб давом қилди депутатликка номзод. 1983 йилда ижобий силжишлар бўлганига қарамай, биз кўпгина объектлар қурилишининг боришидан қаноат ҳосил қила олмаймиз. Ана шу объектлар узоқ вақтдан буён нокомплекс ҳолда, кўпинча эса паст сифат билан барпо этилмоқда. Аҳволни тузатиш учун куч ва маблағларни ишга туширилаётган объектларга жамлаш, уларнинг ўз вақтида ишга туширилишини таъминлаш керак.

Ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантиришда, социал вазифаларни ҳал этишда транспорт ҳам ғоят муҳим роль ўйнайди, деб таъкидлади В. И. Долгих. Транспорт воситаларидан самаралироқ фойдаланиш, уларнинг юк ортиш-туширш вақтида бекор туриб қолишини камайтириш борасидаги ишларни кучайтириш, транспорт барча турларининг ўзаро аниқ-пухта ҳаракатини таъминлаш ҳамда вагонларни саноат корхоналарида ремонт қилишни ташкил этиш соҳасидаги илғор тажрибани кенг оммалаштириш ишларини кучайтириш лозим.

Транспорт ишининг социал жиҳати муҳимдир. Амалда бутун аҳоли унинг хизматларидан фойдаланмоқда, шу боисдан пассажирлар ташишни яхшилашга, шаҳар транспортини ривожлантиришга, хизмат кўрсатиш маданиятини оширишга кўпроқ эътибор бериш керак.

Халқнинг турмуш даражасини оширишга қаратилган тадбирлар комплексида Озиқ-овқат программасини бажариш, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш биринчи даражали аҳамиятга эгадир. Мамлакат агросаноат комплексига маблағ ва техникани устун даражада ажратиб бермоқда. Зотан, етказиб берилган ресурслардан яна ҳам самаралироқ фойдаланишга эришиш, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулдорлигини ошириш муҳимдир.

Совет кишиларининг фаровонлигини янада ўстириш кўп жиҳатдан халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтиришга боғлиқ. Уларнинг хили ошди, сифати яхшиланди. КПСС Марказий Комитети халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни ва аҳолига хизмат кўрсатиш системаларини ривожлантириш комплекс программасини ишлаб чиқишни зарур деб топди, деди нотиқ. Шу ҳаётий муҳим иш соҳасини янги, бирмунча юксакроқ даражага кўтариш, совет кишиларининг ортиб бораётган талаб-эҳтиёжларини тўлиқроқ қондириш вазифаси қўйилмоқда.

Депутатликка номзод СССР Олий Советининг табиатни муҳофаза қилиш, унинг ресурсларидан оқилона фойдаланиш тўғрисида қабул қилган Қонуни муҳимлигини таъкидлади. Ҳозирги босқичда экология масалалари жаҳоншумул аҳамият касб этиб, бутун инсониятга дахл қилмоқда, улар катта иқтисодий ва социал проблемага айланган. Партиямиз билан давлатимиз шуни ҳисобга олиб табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга оширишга катта эътибор бермоқдалар. Гап атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг ошиб кетган талабларига мос бўлиб тушадиган ишлаб чиқариш технологиясини яратиш ва жорий этиш тўғрисида бормоқда.

Сўнгра В. И. Долгих ўлка ва шаҳар партия ташкилотларининг, халқ депутатлари Советларининг, меҳнат коллективларининг шу беш йиллиддаги вазифаларига тўхталиб ўтди. Нотиқ 1984 йилги халқ хўжалик планини тўла ва ошириб бажаришнинг муҳимлигини таъкидлади.

Сўнгра В. И. Долгих қуйидагиларни айтди: ленинча ташқи сиёсатни изчиллик билан ўтказиш, КПСС XXVI съезди саксонинчи йилларга мўлжаллаб олға сурган тинчлик программасини амалга ошириш, Совет Иттифоқининг янги тинчлик ташаббуслари партия сайловолди платформасининг энг муҳим таркибий қисмидир. КПСС Марказий Комитети Бош секретари К. У. Черненко КПСС Марказий Комитетининг навбатдан ташқари Пленумида совет халқининг жуда чуқур орзу-умидларини ифода этиб, биз инсониятни жаҳон ядро уруши хавфидан халос этишга қаратилган сиёсатдан бир қадам ҳам чекинмаймиз, деди.

Пировардида депутатликка номзод Ленин сайлов округи меҳнаткашларига ўзига кўрсатилган юксак шараф учун яна бир бор сидқидилдан миннатдорчилик билдирди ва юксак ишончни оқлаймаман, бутун кучимни коммунистик қурилиш ишига бағишлайман, деб ваъда берди. (ТАСС).

СЎНГГИ ЙЎЛГА

21 февраль куни Совет Қуролли Кучларининг жангчилари, Москва меҳнаткашлари совет халқининг содиқ фарзанди, Улуғ Ватан урушининг актив иштирокчиси, КПСС Марказий Комитети аъзоси, СССР Олий Советининг депутати, таниқли совет ҳарбий бошлиғи, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Совет Иттифоқи Маршали Павел Фёдорович Батицкийни сўнгги йўлга кузатиб қўйдилар.

Марҳумнинг жасади солинган тобут қўйилган М. В. Фрунзе номли Совет Армияси Марказий уйининг Қизил Байроқ орденли зали мотам либосида.

Соат 12. В. В. Гришин, Г. В. Романов, Д. Ф. Устинов ўртоқлар фахрий қоровулликда турадилар.

Пойтахт ишчилари ва хизматчилари, гарнизон жангчилари тобут ёнидан чуқур қайғу билан сукут сақлаб ўтадилар. Фахрий қоровул ҳар уч минутда алмашиб турибди. СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Н. К. Байбаков, Л. В. Смирнов, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг намояндалари мотам вахтасида турадилар.

СССР мудофаа министрининг биринчи ўринбосарлари Совет Иттифоқи Маршаллари Н. В. Огарков, В. Г. Куликов, Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти Бош Сиёсий бошқармасининг бошлиғи, армия генерали А. А. Епишев, СССР Давлат хавфсизлиги комитети раисининг биринчи ўринбосари, армия генерали Г. К. Цинев, СССР мудофаа министрининг ўринбосарлари, ҳарбий бошлиқлар фахрий қоровулликда турдилар.

Сўнгги видолашув дақиқалари. Марҳумнинг жасади солинган тобут мотам куйлари садоси остида Қизил Байроқ орденли залдан олиб чиқилади. Новодевичье қабристонида П. Ф. Батицкий хотирасига бағишланган мотам митинги бўлди.

Митинг тугайди. Совет Иттифоқи Маршали Павел Фёдорович Батицкийга кўрсатилган сўнгги ҳурмат — салют садолари гумбирлайди, СССР Давлат гимни янграйди. (ТАСС).

ЧОРВА ҚИШЛОВИ — ЖИДДИЙ СИНОВ

ИЛҒОРЛАР ИБРАТИ

ФАРҒОНА ОБЛАСТИ. Бағдод районидаги «Ҳамзабод» совхози чорвадорлари қишловни муваффақиятли ўтказишмоқда. Ҳар бир қорамол, айниқса, соғин сигирлар қатъий рацион асосида озиқлантириляпти. Шу долзарб дамларда чорвадорлар ўзаро мусобақалашиб ишлаб, ўз боқимларидаги сигирларнинг ҳар биридан кўзда тутилганидан кўпроқ сут соғиб олишга эришяптилар. А. Ризақулова ҳар доимдагидек пешқадамликни қўлдан бермаётир.

— Мен шу кунларда ҳам ўз боқимимдаги сигирларнинг ҳар биридан серқаймоқ сут соғиб олишга эришяпман, — дейди Азиза Ризақулова. —Бу йилги мажбуриятим — ҳар бир сигирдан 3200 килограммдан сут соғиб олиш. Албатта сўзимнинг устидан чиқаман.

Суратда: илғор чорвадор, область комсомоли мукофоти лауреати А. Ризақулова.

Е. Ботиров фотоси.

ИЛҒОРЛАРГА КОСМОНАВТЛАРНИНГ ВИМПЕЛЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

21 февраль куни мамлакатнинг энг яхши деҳқонлари ва чорвадорлари Л. И. Брежнев номли Звездний шаҳарчасида космонавтларнинг меҳмони бўлишди. Улар социалистик мусобақада биринчиликни қўлга киритдилар ва 1983 йилда қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштиришда юксак кўрсаткичларга эришдилар.

Дала ва фермалар меҳнаткашларининг космос кашшофлари билан бундай учрашувлари анъана тусини олди. Бу йил барча иттифоқдош республикалардан 367 та илғор коллектив Ю. А. Гагарин номли вимпелни олишга сазовор бўлди.

Маданият уйида тантанали учрашув бўлиб ўтди. Учрашувда сўзга чиққан кишилар Звездний шаҳрининг вимпели тинч меҳнат қаҳрамонлигини, инсоннинг қадимий касб-кори — ғаллакорлик билан энг навқирон касб — космонавтлар ўртасидаги узвий алоқани акс эттирадилар, дедилар. Бу вимпелларнинг айни Звездний шаҳарчасида топширилиши — космонавтларнинг дала ва ферма меҳнаткашларига нисбатан алоҳида ҳурмат-эҳтиромни ифодасидир.

Юксак мукофотга сазовор бўлганлар орасида Қашқадарё областидаги «Москва» совхозидан С. Қурбонов бор. Унинг бригадаси беш йиллик бошидан бери минг тоннадан ортиқ пахта териб олди. Бригада ўтган йили мавсумда ҳар гектар майдондан 58,6 центнер пахта териб олишга муваффақ бўлди.

Илғорларга мукофотларни СССРнинг космонавт учувчилари икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони П. И. Климук билан Совет Иттифоқи қаҳрамони В. Д. Зудов топширишди. (ТАСС).

УНУМДОРЛИКНИ КЎЗЛАБ

⊙ К. Маркс номли колхоз Чиноз районидаги пешқадам хўжаликлардан ҳисобланади. Утган йил колхоз пахтакорлари районда биринчи бўлиб планларини ошириб бажарган эдилар. Гектаридан пландаги 35,2 центнер ўрнига 38 центнердан хирмон кўтаришди.

Илғор хўжалик меҳнатчилари бу йил ҳам улкан пахта хирмони яратишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйганлар. Колхознинг Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Т. Бобоёров ҳамда Б. Умаров, Т. Иброҳимов, О. Турсунов, Т. Бобоқулов ўртоқлар бошлиқ бригадаларнинг аъзолари ҳосилдорликни 50 центнерга етказиш мажбуриятини қабул қилишди. Қишки ишлар колхоздаги барча бригадаларда намунали ташкил этиляпти.

Колхозда унумдорлик бригадаси ташкил этилган. Етарли техника воситалари ҳамда ишчи кучи билан таъминланган бригада кунига далаларга 40-50 тоннадан маҳаллий ўғит ташиб чиқармоқда. Бригада аъзоларидан П. Габдурахмонов, Т. Жўраев, М. Сангилов, А. Ражабов, Б. Сангилов, В. Мамедовлар меҳнатда алоҳида ўрнак кўрсатишяпти.

Т. ЮСУПОВ.

ДОЛЗАРБ КУНЛАР

Фориш районидаги Киров номли давлат наслчилик совхозида чорва қишловини ўтказиш тажрибасидан

Давлат наслчилик совхози қоракўлчиликка ихтисослаштирилган. Фермаларда 60 минг бошга яқин қоракўл қўйлар боқилмоқда. Утган йилнинг ўзида пландаги 8,5 минг бош ўрнига 13 минг бошга яқин қўзи ўстиришга қолдирилган эди. Бундан ташқари, хўжаликда 800 бош қорамол, 900 бош йилқи бор.

Совхоз коллективи чорва маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотишда йил сайин катта ютуқларга эришмоқда. Биргина мисол. 1983 йилда давлат тайёрлов ташкилотларига 600 тоннага яқин юқори сорт гўшт, 19 минг донадан зиёд қоракўл терси, 130 тонна майин жун топширилди. Бошқа турдаги маҳсулотлар топшириш планлари ҳам ортиғи билан бажарилди.

Чорва молларни кўпайтириш, маҳсулдорлигини ошириш, озуқа базасини мустаҳкамлаш, сермеҳнат ишларни комплекс механизациялаш юзасидан белгиланган топшириқлар муваффақиятли амалга оширилди. Катта ҳажмда қурилиш ва ободончилик ишлари қилинди. Чорвадорлар ва уларнинг оила аъзоларига бўлган ғамхўрлик, айниқса, яхшиланди. Чорва қишлови ташкилий жиҳатдан уюшқоқлик билан кутиб олинди. Қишловнинг дастлабки якунлари қандай бўлди! Галдаги вазифалар нималардан иборат! Қуйида шу ҳақда гап боради.

Искандар ЁҚУБОВ, қўйчилик бўлими бошқарувчиси:

— Ўттиз йилдан буён қоракўл қўйчилик бўлимини бошқараман. Партия ва ҳукуматимизнинг оталарча ғамхурликлари туфайли қўйчивонлик энг ҳурматли касблардан бири бўлиб қолди.

Пахтакорлар бир йиллик меҳнатларига кузда якун ясадилар. Биз эса бир йиллик меҳнатимиз якунини баҳорда — қўзилатиш мавсуми муваффақиятли якунлангандан кейин кўрамиз. Қишлов биз, чорвадорлар учун катта синовдир. Бўғоз совлиқларни қишловдан бехатар олиб чиқсак, чиқимга чиқишига йўл қўймаслик, бола ташлашининг олдини олсак, синовдан муваффақиятли ўтамиз. Бўлимимизда 14 минг бошдан зиёд қоракўл қўй бор. Уларнинг 80 процентдан кўпроғи совлиқлардир. Ўтган йили мавсумда ўстиришга 4 минг бошдан кўпроқ қўзи қолдирган эдик. Уларнинг ҳаммаси соғлом ва дуркун ўсаётир.

Бу йилги чорва қишлови анча осон ўтаётган эди. Лекин кейинги кунларда ҳаво ўзгарди. Кўп ёғингарчиликлар бўлди. Яйловларни қалин қор қоплади. Қўйчивонларнинг иши анча мураккаблашди. Бироқ юз берган табиий қийинчиликлардан ўчиийдиган жойимиз йўқ. Нега деганда, планда кўзда тутилганидан кўпроқ ем-хашак, концентрат, ўт талқони, турли дармондорилар тайёрлаб олганмиз. Эндиги вазифа — ана шу озуқадан оқилона фойдаланиш, қўйларни ориқлатиб қўймасликдан иборат. Масаланинг яна бир нозик томони шундаки, бу йилги қўзилатиш мавсумини нечоғли юқори кўрсаткичлар билан якунласак, келгусида чорва маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришга шунча мустаҳкам замин яратган бўламиз.

Мўмин РАҲИМОВ, бош чўпон:

— Чорвадорларимиз, шу жумладан, чўпон-чўлиқлар энг масъулиятли паллага кирдилар. Бир томонда ёғингарчиликлар бўлиб, ҳаво совияпти. Иккинчи томонда совлиқларнинг қўзилаш муддати яқинлашяпти. Қиш қийинчиликларини енгмоғимиз, қўзилатиш мавсумини пухта тараддуд билан кутиб олиб, зўр уюшқоқлик билан ўтказмоғимиз керак.

Ҳозирги кунларда асосий эътиборни нималарга қаратмоғимиз зарур? Қўйларни кеча-кундуз тўйимли, ширали, аралаш озуқалар билан боқишимиз, очиқиб қолишига асло йўл қўймаслигимиз лозим. Сабаби — совлиқлар қўзилаш арафасида хилма-хил озуқалар, дармондориларга муҳтожлик сезади. Эҳтиёжи вақтида тўла қондирилмаса, касалликка чалинади ёки бола ташлаб қўяди. Қишли-қировли, айниқса, совуқ зўрайган кунлар ва тунларда сувни бўғоз совлиқларга илитиб бериш шарт. Шу вақтгача ҳар бош совлиққа бир кеча-кундузда ўртача 300 граммдан концентрат бериб келинди. Энди унинг миқдорини 400 граммга чиқариш пайти келди. Ҳамма жойда шундай қилишимиз даркор. Бунинг учун етарли миқдорда концентратга эгамиз.

Бўғоз совлиқлар кундуз кунлари ҳам, тунда ҳам отарлардан унча узоқ бўлмаган яйловларда кездирилиши, қаттиқ совуқ, ёғингарчиликлар бўлаётган кунлар ёки тунлардагина усти ёпиқ бостирмалар ёки қўйхоналарда сақланиши, шунда ҳам вақти-вақти билан ўрнидан қўзғатилиб, юргизиб турилиши лозим. Шундай қилинганда қорнидаги ҳомиласи соғлом ўсади, оёқларининг томирлари ёзилади, касалликка чалинмайди, бола ташламайди.

Бош чўпонлар бир-бирларининг аҳволидан тўлиқ хабардор бўлиб туришлари, зарур топилганда бир-бирларига кўмаклашмоқлари керак. Мен Ўринбой Мухторов, Тўрабек Мирзабеков, Гулсум Эгамова, Тўйчи Шовқиев, Муса Ботиров каби бош чўпонлар билан ҳамкорликда ишлайман. Уларнинг бой тажрибаларини ўрганаман, билмаганларини уларга ўргатаман. Шундай қилиб, ҳар йили 100 бош совлиқ ҳисобига 180-185 бош ва ундан ҳам кўпроқ соғлом қўзи олаётирмиз. Ўрғочи қўзиларнинг ҳаммасини ўстиришга қолдирмоқдамиз. Бу йилги қўзилатиш мавсумида ҳам шундай қиламиз.

Ўнғар ЎРКЕНОВ, совхоз директори:

— Бу йилги қишлов анча чўзилиб кетди. Бунинг устига, қиш чилласи чиқай деганда ёғингарчиликлар бошланди. Яйловларда совуқ кучайди. Сув масаласи мушкуллашди. Қўйлар, хусусан, бўғоз совлиқлар, қорамоллар, йилқиларни суғориш анча қийинлашди.

Лекин ҳозирги долзарб кунларда жуда ҳушёрлик билан иш тутмоғимиз, ички имконият ва резервларни қишловни ҳар жиҳатдан соз ўтказишга сафарбар этмоғимиз керак. Амалда шундай қиляпмиз. Улуксиз ёғингарчиликлар бўлаётгани, совуқ кучаяётганини ҳисобга олиб, бош чўпонлар, уларнинг ёрдамчилари, ем-хашак тайёрловчилар, транспорт ходимлари ва бошқа ферма ҳамда отарлар иши билан боғлиқ бўлган кишиларни қўшимча иссиқ кийимлар билан таъминладик. Чўпончўлиқларга кеча-кундуз ёрдам кўрсатиш учун активлар ва жамоатчилик вакилларидан 120 кишини қўшимча сафарбар этдик. Қўйчивонлардан тортиб кўмакдошларгача ўз постида ҳушёр турибди. Бир группа ёрдамчилар ем-хашак тайёрлашда қатнашаётган бўлса, бошқа группадагилар сув таъминотини яхшилашга кўмаклашяпти.

Чорвачиликда бугун юз берган қийинчилик эртага қайтарилмайди, деб бўлмайди. Шундай экан, ем-хашакни тежаб-тергаб сарфламоғимиз, дармондориларни мутахассисларнинг маслаҳати билан ишлатмоғимиз зарур. Ҳозирги ноқулай обҳаво шароитида интизомни бутун чоралар билан мустаҳкамламоғимиз, одамларда чорва моллар тақдири учун масъулиятни кучайтирмоғимиз керак. Асил Қўнишев, Ҳамро Бозорбоев, Андимбой Нодирбоев, Ислом Назарқулов сингари моҳир чорвадорлар бош чўпонлик қилаётган отарларда қишлов аъло даражада ўтказилмоқда. Уларнинг бой тажрибасини ҳамманинг мулкига айлантиришимиз керак.

Қиш фасли нечоғли қийинчиликлар, машаққатлар тўғдирмасин, бой тажрибамизни ишга солиб, ҳаммасини енгамиз. Чорва моллар туёқ сонини кўпайтириб, маҳсулдорлигини оширишга эришамиз. СССРнинг Озиқ-овқат программаси муваффақиятли бажарилишига ўзимизнинг муносиб улушимизни қўшамиз.

ТИНЧЛИК — ҲАЁТИЙ ЭҲТИЁЖ

РЕДАКЦИЯ ПОЧТАСИНИ ЎҚИБ

Империалистик доираларнинг айби билан халқаро вазият хатарли тус олди. Вашингтон маъмурияти ва НАТО ҳарбийларининг қуролланиш пойгасига зўр бериши сабабли ер юзида даҳшатли қирғин қуроллари шу қадар кўп тўпландики, сайёрамиз порох тўлдирилган бочкага ўхшаб қолди. Шундай шароитда ўйламай босилган биргина қадам бутун инсоннят учун тузатиб бўлмайдиган ҳалокат келтириши мумкин.

Американинг янги ядро ракеталари Ғарбий Европада жойлаштирила бошлагач, бундай ҳалокат хавфи янада кучайди. Лекин Ғарбдаги айрим сиёсий арбоблар жаҳон афкор оммасини чалғитиш ва ўзларининг қалтис қадамларини оқлаш мақсадида Американинг «Першинг-2» ва қанотли ракеталари Европага ўрнатилиши билан «дунё бирмунча хатарсиз бўлиб қолди» деган ўйдирмани тарқата бошладилар. Совет ҳукуматининг Баёнотларида бундай даъволар фош қилиб ташланди, халқаро вазиятнинг аҳволи таърифлаб берилди.

Дунёга таҳдид солиб турган ядро ҳалокати хавфининг олдини олиш борасида Совет давлати кўраётган тадбирлар бутун ер юзида тинчликни таъминлаш йўлида қўйилган муҳим қадам, деб баҳоланди. Совет кишилари партия ва ҳукуматимизнинг тадбирларини кенг маъқуллаб кутиб олдилар ва қизғин қўллаб-қувватламоқдалар. Республикамиз меҳнаткашларидан редакцияга келаётган юзлаб хатлар бунинг ёрқин далилидир.

Совет ҳукуматининг тинчликсевар сиёсатини маъқуллаб, айни пайтда АҚШ ҳозирги маъмуриятининг телбанома сиёсатидан норозилик билдирилиб ёзилган хатларнинг аксариятини Улуғ Ватан уруши қатнашчилари ва инвалидлари йўллашган. «Уруш кимга керак? Уруш — очлик, вайроналик ва ҳалокатдир. Биз унинг яна такрорланишини асло истамаймиз» — деб ёзади зоминлик Улуғ Ватан уруши қатнашчиси **Алибек Жўраев**. «Мен Улуғ Ватан уруши инвалидиман, — деб унинг фикрини давом эттиради Олтинсой районидан **Эргаш Жумаев**, — Ҳозир тинч, фаровон яшаяпмиз. Бу тинчлик туфайли. Бизга тинчлик керак. Шунинг учун Совет давлатининг тадбирларини қўллаб-қувватлайман». Урушда қатнашган ва унинг бутун даҳшатларини бошидан кечирган пастдарғомлик **Пармон Турдалиев**, шофирконлик **Кенжа Жўраев**, шаҳрисабзлик **Хуррам Ҳақбердиев**, марғилонлик **Исмоил Убайдуллаев**, задарёлик **Нурманбой Тожиматов** ўртоқларнинг хатларида ҳам ана шундай фикрлар баён қилинган. Ветеранлар Оқ уй маъмуриятининг халқаро муносабатларда куч ишлатиш билан дўқ қилиш ҳамда ҳарбий қудратини намойиш қилиш сиёсатини кескин қоралайдилар.

Тинчлик оналар учун, айниқса азиздир. «Юракдаги уруш яраси ҳали битганича йўқ, — деб ёзибди оҳангаронлик **Марзия Исматова**. Урушдан ўғилларим ва укаларимдан бирортаси қайтиб келмади. Уларни 38 йилдан бери кутаман. Менга ўхшаб жигарбандларини кутаётган оналар қанчадан қанча. Лаънат урушга! Ў мени беш ўғлимдан айирди. Яна урушни қўмсаб қолганларга нафратимнинг чеки йўқ». «Космонавтлар: Еримиз ям-яшил бўлиб кўринади, дейишади. Биз шу яшил ернинг қора кулга айланмаслиги учун курашишимиз керак», — деб ёзибди Андижон область Избоскан районидаги оналар номидан **Марҳаматхон Қамбарова**. Бу хатга унинг ўзи билан ўнта фарзанди ҳам имзо чекибди. Ўнлаб Қаҳрамон она, уй бекалари ёзган хатлар бир-бирига ҳамоҳанг, Совет давлатининг тинчликсевар сиёсатидан мамнуният изҳор қилинган.

Биз тинчлик душманларининг барча кирдикорларига зарбдор меҳнатимиз билан жавоб берамиз, токи Ватанимиз янада қудратли бўлсин, — дейилади ишчи ва хизматчиларнинг, колхозчиларнинг хатларида. Уйчи районидан **Б. Қаюмов**, Зомин районидан **Э. Самандаров**, **М. Уролова** (жами 15 имзо) сингари совхоз ишчилари, Яккабоғ районидан **К. Содиқов**, Қоракўл районидан **О. Ҳамроев**, Ленинобод область Нов районидан **М. Жалилов** каби ишчи ва деҳқонлар партиямиз кўраётган тадбирларни қўллаб-қувватлашларини билдирганлар.

Рейган маъмуриятининг тинчликка таҳдид солувчи қалтис қадамларидан чексиз ташвиш билдириб ёзилган хатларнинг аксарияти ўқитувчилар қаламига мансуб. Бу табиий. Чунки келажакнинг эгалари бўлмиш ёш авлодни тарбиялаш — ўқитувчилар зиммасида. Шу боисдан ҳам Щовот районидан **В. Сандов**, Свердлов районидан **Ж. Жўраев** ва **Т. Рустамов**, Қамаши районидан **У. Номозов**, Жиззах шаҳридан **О. Қобилов** ва бошқалар хатининг ҳар бир сатри тинчликка даъват қилувчи қалб сўзларидек жараналайди. Тинчлик ишига таҳдид солувчи империалистик доираларнинг қилмишларидан нафратланиб дилидагини шеърий сатрларга солган газетхонларнинг қалб туғёнини тушуниш қийин эмас. **Ф. Эшпўлатов** «Кескинлашиб кетди халқаро аҳвол, қитъалар безовта тўлғонмоқдадир» деб ташвишланса, **Н. Эшқувватов** унга «Миллионлар тинчлик деб бермоқда овоз, жаҳонда қилажак тинчлик тантана!» — дея жавоб бергандай бўлади. Ҳа, ер юзидаги тинчлик тарафдорлари агрессив доираларнинг ёвуз ниятларини жиловлашга қодир. Ядро қуроллари ниҳоятда кўп тўпланган ҳозирги шароитда урушнинг олдини олиш энг муҳим вазифадир.

Ф. ШОҲИСМОИЛОВ.

ОБЛИГАЦИЯЛАРИНГИЗНИ ТЕКШИРИНГ

1966 ЙИЛГИ 3 ПРОЦЕНТЛИ ДАВЛАТ ИЧКИ ЮТУҚЛИ ЗАЁМИ 141-ТИРАЖИНИНГ РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

БУ ТИРАЖ 1984 ЙИЛ 15 ФЕВРАЛДА ЕРЕВАН ШАҲРИДА УТКАЗИЛДИ.

Заёмнинг ҳамма бир юз бир разряддаги серия ва облигацияларнинг қуйидаги номерларига ютуқлар чиқди.

серия номерлари	облигация номерлари	ютуқ миқдори (сўм билан)	серия номерлари	облигация номерлари	ютуқ миқдори (сўм билан)	серия номерлари	облигация номерлари	ютуқ миқдори (сўм билан)
100720	32*)	500	131734	42*)	1000	168837	27*)	500
100915	36*)	500	132419	1—50	40	170746	27*)	2500
100970	06*)	500	134272	27*)	500	171970	02*)	500
101371	23*)	1000	134639	32*)	1000	173861	20*)	500
101672	24*)	500	134646	33*)	500	173970	23*)	1000
102607	40*)	500	135267	1—50	100	174204	29*)	500
103145	48*)	500	135268	21*)	500	175131	1—50	40
104187	42*)	500	135450	1—50	40	175248	1—50	40
105025	26*)	500	136355	34*)	500	175305	05*)	500
105970	45*)	500	136632	02*)	500	175635	1—50	100
106461	1—50	100	136889	08*)	500	176086	45*)	500
106567	1—50	100	138024	1—50	40	176744	01*)	500
106772	47*)	500	139204	12*)	1000	177001	06*)	500
106859	44*)	500	141012	01*)	1000	178708	11*)	500
107004	19*)	500	141850	1—50	100	179035	45*)	500
107610	1—50	40	141967	23*)	500	179577	47*)	500
107929	30*)	500	142061	49*)	500	180617	31*)	2500
108127	01*)	500	142190	1—50	40	180719	1—50	40
108380	29*)	500	142903	40*)	2500	181515	08*)	500
108716	1—50	40	143642	13*)	500	182739	1—50	40
108936	26*)	1000	143746	01*)	1000	182773	06*)	500
109542	44*)	500	144713	02*)	500	183274	34*)	500
110001	12*)	500	146428	33*)	500	184135	1—50	40
110184	03*)	500	149100	13*)	500	184571	33*)	1000
111698	26*)	1000	149350	1—50	40	184824	33*)	1000
112219	45*)	1000	149368	20*)	500	185124	42*)	500
112799	1—50	40	149432	10*)	500	185743	06*)	500
112931	28*)	500	149744	1—50	40	185806	33*)	500
113094	1—50	40	150258	37*)	500	186582	1—50	100
113385	1—50	40	150376	1—50	40	186979	1—50	40
113542	49*)	500	150381	42*)	500	187652	1—50	40
113775	29*)	500	152121	07*)	500	187791	34*)	500
114459	29*)	500	155848	17*)	500	188094	1—50	40
114981	18*)	500	156947	1—50	100	188299	21*)	500
116103	02*)	500	157620	35*)	500	188476	32*)	500
116366	1—50	40	158096	13*)	5000	188488	03*)	500
116877	44*)	500	159383	50*)	500	188953	1—50	40
116991	48*)	1000	159400	1—50	40	189599	33*)	500
117282	04*)	500	159933	11*)	500	189623	48*)	500
117678	43*)	500	160023	28*)	500	189805	06*)	500
119532	1—50	40	160550	39*)	500	190669	24*)	500
120005	1—50	40	160775	1—50	40	192038	09*)	500
120111	1—50	40	161216	1—50	40	192209	03*)	500
120182	12*)	500	161643	1—50	100	193775	33*)	500
120465	25*)	500	161695	45*)	500	193890	13*)	500
120685	06*)	500	162296	50*)	1000	194300	1—50	100
121321	05*)	500	162419	10*)	500	194557	45*)	2500
123397	06*)	500	162506	43*)	1000	194669	1—50	40
124554	48*)	500	162536	15*)	1000	194789	07*)	500
124606	1—50	40	163058	35*)	1000	194921	18*)	500
125780	04*)	500	163266	1—50	40	194976	25*)	1000
126122	14*)	500	163578	17*)	500	194981	20*)	500
127146	05*)	500	163719	1—50	100	195458	1—50	100
127204	35*)	1000	164585	1—50	100	196236	27*)	500
127539	20*)	500	164746	15*)	500	196646	38*)	500
127691	50*)	500	164811	1—50	100	196928	29*)	500
128244	20*)	500	164864	37*)	500	197605	23*)	5000
128251	1—50	40	165461	05*)	500	198000	1—50	40
129091	1—50	40	165871	45*)	500	198196	40*)	500
129132	21*)	500	166108	24*)	500	198356	1—50	100
129932	37*)	2500	166206	41*)	1000	199205	40*)	500
131437	1—50	40	166921	1—50	100	199433	1—50	40
			166930	20*)	500			
			167973	1—50	40			

* Шу сериядаги облигацияларнинг қолган 49 номерига 40 сўмдан ютуқ чиқди.

Жадвалда йигирма сўмлик облигацияларга чиққан ютуқлар кўрсатилган. Ўн сўмлик облигацияларга ютуқларнинг ярми тўланади. Ютуқ суммасига облигация қиймати ҳам қўшилган.

Бу жадвал расмий ҳужжатдир. Ўзбекистон ССРдаги омонат кассалари газетанинг навбатдаги сони чиққандан сўнг ютуқларни шу жадвалга мувофиқ белгиланган тартибда тўлайдилар.

Ютуқлар тиражини ўтказиш бўйича комиссиянинг раиси — халқ депутатлари Ереван шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари А. С. БАРХУДАРОВА.

Комиссиянинг масъул секретари — В. П. ЗАМОЛОДЧИКОВА.

1982 ЙИЛГИ ДАВЛАТ ИЧКИ ЮТУҚЛИ ЗАЁМИ 17-ТИРАЖИНИНГ РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

БУ ТИРАЖ 1984 ЙИЛ 15 ФЕВРАЛДА ЕРЕВАН ШАҲРИДА УТКАЗИЛДИ.

Заёмнинг ўн разряддаги серия ва облигацияларнинг қуйидаги номерларига ютуқлар чиқди.

серия номерлари	облигация номерлари	ютуқ миқдори (сўм билан)	серия номерлари	облигация номерлари	ютуқ миқдори (сўм билан)	серия номерлари	облигация номерлари	ютуқ миқдори (сўм билан)
200125	1—100	250	233568	078*)	500	270013	089*)	1000
200187	100*)	1000	233764	096*)	1000	270219	040*)	1000
200362	050*)	500	233921	1—100	100	270998	063*)	500
201374	1—100	100	234047	055*)	2500	271159	093*)	500
201977	028*)	500	234209	078*)	500	272094	029*)	1000
202272	012*)	500	235282	1—100	100	272324	011*)	2500
202376	010*)	500	235613	1—100	100	272411	016*)	1000
203144	037*)	2500	237096	050*)	500	272511	1—100	100
203675	1—100	250	237903	1—100	250	272921	1—100	250
204705	1—100	250	237952	052*)	1000	272964	068*)	2500
205001	052*)	500	238203	1—100	100	273096	015*)	2500
205681	1—100	250	238435	083*)	1000	273637	004*)	2500
206049	062*)	1000	238475	053*)	500	276041	070*)	1000
206092	020*)	500	238576	008*)	1000	276390	056*)	500
206912	028*)	500	239332	093*)	500	277301	1—100	250
206999	024*)	500	240515	043*)	2500	277363	048*)	500
207228	090*)	2500	240626	023*)	1000	278656	1—100	250
207659	1—100	250	240904	073*)	500	279137	1—100	100
209583	015*)	500	241608	1—100	100	279261	037*)	500
210437	053*)	2500	242559	051*)	1000	279496	1—100	250
210606	086*)	1000	243820	1—100	100	280201	076*)	1000
211058	009*)	1000	244191	076*)	500	280406	030*)	1000
211236	008*)	1000	244654	1—100	100	280696	1—100	100
211443	073*)	500	245088	044*)	500	280801	082*)	500
211664	1—100	100	245886	087*)	1000	280924	092*)	500
212186	068*)	500	246925	1—100	250	281784	058*)	1000
212579	1—100	100	247309	020*)	500	282006	027*)	1000
214178	1—100	250	248458	088*)	5000	282251	1—100	100
214260	1—100	100	248727	1—100	250	282905	023*)	1000
214877	100*)	2500	249080	047*)	5000	283088	095*)	2500
216461	045*)	2500	249670	1—100	250	283347	1—100	100
216580	061*)	500	250218	1—100	100	283411	021*)	1000
216864	1—100	100	251772	086*)	10000	283887	1—100	500
216875	1—100	100	251776	056*)	1000	284054	079*)	1000
217073	1—100	100	252080	1—100	250	284367	1—100	100
217284	079*)	500	252204	1—100	250	285022	006*)	1000
219473	022*)	1000	253319	086*)	1000	285074	1—100	100
219634	1—100	250	254297	094*)	2500	285423	008*)	1000
220608	060*)	2500	254605	076*)	1000	285655	049*)	1000
221307	095*)	1000	254640	071*)	2500	285894	1—100	100
221310	025*)	500	254673	1—100	100	286694	074*)	1000
221382	011*)	5000	254966	1—100	100	287416	1—100	250
222172	090*)	1000	255693	1—100	100	288479	1—100	500
222483	1—100	250	255761	1—100	100	288481	078*)	2500
222699	086*)	500	257266	1—100	100	288575	1—100	100
223418	065*)	1000	257353	005*)	1000	290416	1—100	100
223895	037*)	500	258051	059*)	500	291064	1—100	250
223983	081*)	500	258239	016*)	500	291910	033*)	1000
225173	015*)	500	259177	090*)	2500	292474	043*)	1000
225895	1—100	250	260118	1—100	100	292517	095*)	1000
227557	055*)	5000	261292	1—100	100	292930	037*)	1000
227610	1—100	250	261757	042*)	500	293079	1—100	100
228441	1—100	100	262209	1—100	100	293266	015*)	1000
228689	1—100	250	263625	083*)	1000	293480	002*)	500
228725	1—100	100	264324	062*)	1000	293992	081*)	1000
229140	1—100	100	265029	003*)	500	295314	097*)	500
230178	042*)	1000	265978	008*)	500	296552	1—100	100
230251	080*)	1000	266294	061*)	1000	296592	058*)	1000
230400	066*)	500	266393	1—100	250	296782	093*)	5000
231041	052*)	500	266459	1—100	100	297184	073*)	1000
231090	058*)	500	266711	029*)	500	297348	041*)	2500
231562	028*)	2500	266717	098*)	1000	297449	080*)	1000
231747	021*)	500	267377	043*)	500	299206	1—100	100
231891	023*)	1000	267484	083*)	2500	299314	1—100	250
232844	056*)	500	267489	1—100	100	299550	094*)	500
232955	045*)	1000	269596	058*)	1000	299604	082*)	1000
233205	1—100	100	269995	007*)	500			

* Шу сериядаги облигацияларнинг қолган 99 номерига 100 сўмдан ютуқ чиқди.

Жадвалда эллик сўмлик облигацияларга чиққан ютуқлар кўрсатилган.

Йигирма беш сўмлик облигацияларга ютуқларнинг ярми тўланади. Ютуқ суммасига облигация қиймати ҳам қўшилган.

Бу жадвал расмий ҳужжатдир. Ўзбекистон ССРдаги ҳамма омонат кассалари газетанинг навбатдаги сони чиққандан сўнг ютуқларни шу жадвалга мувофиқ белгиланган тартибда тўлайдилар.

Ютуқлар тиражини ўтказиш бўйича комиссиянинг раиси — халқ депутатлари Ереван шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари А. С. БАРХУДАРОВА.

Комиссиянинг масъул секретари — В. П. ЗАМОЛОДЧИКОВА.

Чет эллар

ВОҚЕАЛАР • ХАБАРЛАР • ФАКТЛАР • ШАРҲЛАР

ХАБАРЛАР ОҚИМИ

ИНДИРА ГАНДИНИНГ МУРОЖААТИ

ДЕҲЛИ. Ҳиндистон бош министри Индира Ганди мамлакат аҳолисига мурожаат қилиб, регионда Қўшма Штатларнинг милитаристик кирдикорлари уларнинг Жанубий Осиёда агрессия учун майдон очишга уринишлари Ҳиндистон учун туғдираётган хавф олдида ҳушёрликни мустаҳкамлашга чақирди. Андаман иттифоқ территорияси ва Никобар оролидаги Блэр портида бўлиб ўтган митингда сўзга чиқиб, И. Ганди «муайян кучлар Ҳиндистон чегаралари яқинида ҳарбий базалар вужудга келтиришга ҳаракат қилмоқдалар, Ҳиндистонга қўшни мамлакатларга энг янги қуроллар етказиб бермоқдалар» деб таъкидлади. Бу эса мамлакатга унинг бирлиги ва территориал бутунлигига жиддий таҳлика солмоқда. Шундай бир шароитда Ҳиндистон халқи ҳар қандай воқеаларга шай бўлиб туриши керак, деди И. Ганди.

ИРОҚ — ЭРОН ФРОНТИДА

БАҒДОД. Ироқ олий ҳарбий қўмондонлигининг Бағдод радиоси орқали эшитирган хабарига кўра, фронтнинг марказий участкасида шиддатли жанглар давом этмоқда. Ироқ қўшинлари душманнинг аскарлари ва техникасига ҳамон оғир талафот етказмоқдалар. Бу участкада Ироқ вертолётлари актив ҳаракат қилмоқда.

Уруш ҳаракатлари шунингдек Басрадан шарқдаги районда, фронтнинг шимолий участкасида ва Майсан секторида ҳам давом этди, деб уқтириб ўтилади ахборотда. Эроннинг оғир тўпларидан Басра, Мандали, Хонақин, Зурбатия шаҳарларини ўққа тутди.

НИКОСИЯ. Ироқ артиллерияси Хуррамшаҳр ва Ободон шаҳарларини қаттиқ ўққа тутди, деб хабар беради Эроннинг ИРНА агентлиги.

Агентликнинг хабарида ўтган кун давомида фронтнинг турли участкаларида артиллерия ва танклар ёрдамида уруш ҳаракатлари давом этганлиги уқтириб ўтилади.

ИСРОИЛ САМОЛЁТЛАРИНИНГ ҚАРОҚЧИЛАРЧА ҲУЖУМИ

БАЙРУТ. Исроил авиацияси яна Ливаннинг аҳоли яшайдиган пунктларини бомбардимон қилди. Маҳаллий радионинг хабар қилишича, Исроил ҳарбий ҳаво қучлари самолётлари Байрутнинг жанубидаги бевосита энг яқин шаҳарлар, шунингдек Ливанда тинчликни сақлаб турувчи араб мамлакатлараро қучлардаги Сурия қўшинлари назорат қилиб турган зонадаги Бхамдун шаҳри ва Фалуг ҳамда Хамман қишлоқларига бомба ташлади. Исроил қўзғолончиларининг қароқчиларча ҳужуми натижасида граждан аҳоли ўртасида ўлганлар ҳамда вайрон бўлган бинолар бор.

ЭКСПЕРТЛАРНИНГ УЧРАШУВИ НИҲОЯСИГА ЕТДИ

АФИНА. Греция пойтахтида Болқонда ядросиз зона вужудга келтириш масаласи юзасидан Болқон давлатлари экспертларининг иккинчи учрашуви ниҳоясига етди. Учрашувда Болқондаги беш давлат — Болгария, Греция, Руминия, Туркия ва Югославия вакиллари иштирок этди.

Учрашувда илгари сурилган таклифлар унда қатнашувчи мамлакатлар ҳукуматлари кўриб чиқиши учун топширилади. Бу ҳукуматлар таклифларни янада ўрганиб чиқиш учун навбатдаги учрашув ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилишлари керак. (ТАСС).

«Эркин дунё» қиёфаси

Биринчи суратда ГФР полициясининг намойишчиларни тинчитиш усули тасвирланган. Американинг «Першинг-2» ва қанотли ракеталарининг Ғарбий Германия территориясига жойлаштирилишидан норозилик билдирилаётган Америка ҳаётидан бир лавҳани кўриб турибсиз. Уйсиз ва нишсиз бу одам Нью-Йорк кўчаларида тиланиб тирикчилик қилишга мажбур.

АДН-Пресс ва ТАСС фотолари.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

ЎҚИНГ, ҚИЗИҚ

70 ЙИЛДАН СЎНГ... ОИЛА ҚУРИШДИ

Ҳа, шундай. Француз аёли Матильда Эрист ва немис фуқароси Фридрих Ребольд ниҳоят оила қуришга муяссар бўлишди.

Севишганлар биринчи жаҳон уруши йилларида, 1915 йилда танишишган. Шу вақтгача маълум тарихий сабаблар ёхуд ота-оналарнинг норозилиги туфайли никоҳдан ўтиш насиб бўлмаган эди.

Фридрих ҳозир 90 ёшда, рафиқаси эса ундан 6 ёш кичик. Яқинда Франциянинг Страсбург шаҳрида М. Эрист ва Ф. Ребольднинг никоҳ маросими ниҳояланди. Оила қурганларнинг севгич ёшларини анча вақтгача тўхтатиш осон бўлмади.

ИХТИРОЛАР, КАШФИЁТЛАР

ҚОРОЗ ТЕЖАЛАДИ

Токио университетининг кимёгарлари қоғозни тежаб ишлатишнинг ажойиб усулини топишди. Бунинг учун улар сиёҳнинг янги турини яратишди. Бу сиёҳ билан ёзилган қоғоздаги ранг бир суткадан сўнг изсиз «ўчиб» қолади. Бу усул билан кўплаб миқдорда қоғоз тежаш мумкин деб ҳисобланмоқда.

ТОПИЛМА

ҚАДИМИЙ МЕТЕОРИТ

Америкалик олимлар Антарктиддан метеорит қолдиғини топишди. Тахминларга кўра, бу метеоритнинг ёши 4,6 миллиард йилга яқиндир.

НУҚУЛ ФАКТ

14 ЁШДА АКАДЕМИК

Иоганн Филип Баредьер Берлин фанлар академиясининг энг ёш аъзоси бўлганлигини тарихий маълумотлар исботлайди. У ёш бўлишига қарамай, фанлар ривожланишига салмоқли ҳисса қўшди. 1735 йилда, 14 ёшида у академик бўлган. Ёш олимнинг лотин тилида ёзган физика ва астрономияга оид иккита асари сақланиб қолган.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг СЕЙСМОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ регионал-инженерлик геологияси лабораториясининг кичик илмий ходими ВАКАНТ ВАЗИФАСИГА КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Конкурс муддати — 12 мартгача.

Мурожаат учун адрес: 700128, Тошкент шаҳри, 128-алоқа бўлими, Марказ-12, Хуршид кўчаси, 3-уй. Телефонлар: 41-38-41, 41-43-44.

●

ФУТБОЛ ИШҚИБОЗЛАРИ ДИҚҚАТИГА! «ПАХТАКОР» МАРКАЗИЙ СТАДИОНИДА 22 февраль соат 16.00 да СССР КУБОГИ УЧУН «ПАХТАКОР» (Тошкент) — «ФАКЕЛ» (Воронеж) командалари ўртасида

ФУТБОЛ

Ўзбекистон ССР Геология министрлиги «ЎЗБЕКГИДРОГЕОЛОГИЯ» ишлаб чиқариш бирлашмасининг О. К. ЛАНГЕ НОМЛИ ГИДРОГЕОЛОГИЯ ВА ИНЖЕНЕРЛИК ГЕОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ («Гидроингео») лабораториялар бўйича ВАКАНТ ВАЗИФАЛАРГА КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Мудир: ер ости сувлари тартиби;

катта илмий ходим: гидрогеологик ва инженерлик-геологик асбобларни ишлаб чиқиш бўйича;

кичик илмий ходим: гидрогеология ва саноат — территориал комплекслари инженерлик геологияси.

Конкурс муддати — 12 мартгача.

Мурожаат учун адрес: 700041, Тошкент шаҳри, Морозов кўчаси, 64-уй.

М. АШРАФИЙ НОМЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ ВАКАНТ ВАЗИФАЛАРГА КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Кафедра доцентлари: КПСС тарихи ва сиёсий иқтисод (психология ва педагогика), музика тарихи (чет эл музикаси тарихи), шарқ музикаси, торли чолғу асбоблари (скрипка), опера тайёргарлиги;

кафедра катта ўқитувчиси: концертмейстерлик класси.

Конкурс муддати — 17 мартгача.

Мурожаат учун адрес: 700035, Тошкент шаҳри, Пушкин кўчаси, 31-уй, кадрлар бўлими.

●

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — «Экзотик фантазия» аттракционининг гастроллари.

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 22/II да Навруз, 23/II да Мангулик, 24/II да Дон Кихот.

Ўзбекистон ССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитети коллективи Қашқадарё область нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бошқармаси бошлиги О. Мўминовга онаси

Ҳайит МУМИНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Шарқ юлдузи» журнали редакцияси коллективи катта адабий ходим Т. Иброҳимовга отаси

Илҳом ИБРОҲИМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

22 ФЕВРАЛЬ, ЧОРШАНБА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.50 — Буратино кўргазмаси. 10.20 — Тириклайин қўлга олинсин. Бадиий фильм. 3-серия. 11.25 — Саёҳатчилар клуби. 12.25 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.15 — Халқаро конкурс лауреати А. Дмитриева чалади. 16.35 — Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар. 17.05 — Концерт. 17.35 — Илмий-оммабоп фильм. 17.45 — ...16 ёшгача ва ундан катталар. 18.30 — Сайловлар олдидан. 18.45 — Кончи характери. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Сиз яратган боғ. 20.00 — Мультфильм. 20.05 — Балетдан парча. 20.20 — Худди шундай бўлади. Бадиий фильм. 2-серия. 21.30 — Время. 22.10 — Ҳужжатли фильм. 23.10 — Дунё воқеалари.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Ҳужжатли фильм. 12.10 Тележурнал. 14.15 — Ҳунар-техника билим юртларида нимага ва қандай қилиб ўргатишади?. 14.45 — Эркин мавзуда ишшо. Телеочерк. 15.20 — Ҳарбий йиллар шеърлари ва қўшиқлари. 16.05 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.50 — Уч ўртоқ. Бадиий фильм. 20.20 — Киножурнал. 20.45 — Халқ ижоднёти. 21.30 — Время. 22.10 — Футбол. СССР кубоги 1/16 финал.

ТОШКЕНТ-I. 11.00 — Ахборот. 11.20 — Ола ва мактаб. 13.00 — Қизиқарли учрашувлар. 13.30 — Флангсиз фронт. Бадиий фильм. 2-серия. 16.00 — Футбол бўйича СССР кубоги. «Пахтакор» — «Факел». (Воронеж). 18.00 — Янгиликлар. 18.15 — Ўсмирлар учун. Тенгдош. 19.00 — КПСС МК декабрь (1983 йил) Пленуми қарорлари — ҳаётга! 19.30 — Ахборот. 19.45 — Телефильм. 20.00 — Янги номлар. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Ялла ва рақс кечаси. 21.30 — Время. 22.10 — Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз флоти кунига. 23.25 — Бугун оламда нима гап?

ТОШКЕНТ-II. 9.00 ва 16.10 — МОСКВА-II. 18.40 — Фронт ортидаги фронт. Бадиий фильм. 1-серия. 20.00 — Янгиликлар. 21.00